

Бобур халқаро фонди

Қамар РАЙИС

# БОБУР ШАХСИЯТИ ВА ШЕЪРИЯТИ

*Урду тилидан Муҳайё Абдурраҳмонова  
таржимаси*

«ANDIJON NASHRIYOT-MATVAA»  
очик акциядорлик жамияти  
2007

*Ушбу китоб 2002 йили Ҳиндистонда урду тилида чоп этилди. У ҳинд китобхонлорига мақбул бўлгани боис ҳиндий тилида ҳам нашрдан чиқди.*

*Китобнинг ўзбекча таржимаси тез кунларда нашр этилишига бош-кош бўлган Бобур ҳалқари фонди раиси, чин инсон Закиржон ҳожи Машрабовнинг самимий кўмоги учун сидқидилдан миннадорман.*

*Таржимон .*

## **Қамар РАЙИС.**

**Бобур шахсияти ва шеърияти.** – Андижон,  
«Andijon nashriyot·matbaa» ОАЖ, 2007 й., 64 бет.

**Муҳаррирлар:**

**М. Худоёров, М. Ибоев**

**Техник муҳаррир:**

**М. Мирзакаримова**

**Мусаххих:**

**Н. Тоҳиматова, Н.Юлдашева**

**Компьютер**

**Х. Парпиев**

**оператори:**

**Андижон вилоятининг  
З.М.Бобур номли кутубхонаси  
83.3 (5 Уз)  
К - 64.**

**© Қамар Райис. 2006.  
© «Andijon nashriyot·  
matbaa» ОАЖ,  
2007**

## ҚАМАР РАЙИС ВА УНИНГ ШАЙДОЛИГИ ҲАҚИДА

Ўзбек ҳалқи ҳинд шоир ва ёзувчиларининг асарларини севиб ўқиди. Йигирманчи аср мумтоз адиларидан Рабиндронат Тхакурнинг саккиз жилдлик асарлари мажмуи, шунингдек, Премчанд, Хўжа Аҳмад Аббос, Кришан Чандр ва бошқаларнинг Ўзбекистонда қайта-қайта ва кўп нусхаларда чоп этилган китобларининг ҳар бири ўзбек ва ҳинд китобхонлари қалблари аро дўстлик, биродарлик, меҳру муҳаббат риштасининг яна бир бўғин узайишига катта ҳисса кўшганлиги шубҳасиз. Албатта, қарс икки қўлдан чиқади, меҳр-муҳаббат ҳам икки ёқлама бўлсагина қадрдонлик боқий давом этгусидир. Хўжа Аҳмад Аббос, Сажюқод Зоҳир, Али Сардор Жафарий, Кайфий Азмий, Қамар Райис каби атоқли ҳинд адилари Ўзбекистон, унинг меҳнаткаш, меҳмондуст, танти ҳалқига кўплаб публицистик мақолалар, шеърлар бағишлигарлар. Ҳусусан, кўзга кўринган олим ва йирик тадқиқотчи, айни вақтда, адабий жамоатчилик эътирофича, ҳар бир шеъри муҳим адабий воқеа сифатида кутиб олинадиган шоир Қамар Райис Ўзбекистонда бот-бот яшаб, ўзбек ҳамкаслари билан доимий ҳамкорликда, ҳалқимиз турмуши, меҳнат тарзини ўрганиб, урду шеърияти мавзу доирасини янада кенгайтириди ва кенгайтирмоқда. «Менинг фикру ожизимча, ҳалқаро маданий алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бобида Қамар Райис бажараётган ишдан кўра чиройлироқ ва ёқимлироқ иш бўлмаса керак», -деб ёзади Сажжод Зоҳир. Дарҳақиқат, адабиётимиз ва ҳалқимизнинг садоқатли дўсти, юртимизнинг чин шайдоларидан бири Қамар Райис Ҳамид Олимжоннинг машхур маснавий-қасидасини эслатувчи катта бир шеърида элимиз табиати, ҳалқимизнинг ажойиб фазилатларини эҳтирос ила таърифу тавсиф этар экан, жумладан, шундай дил сўзларини битади:

*Ҳар бир кўзда меҳр бору туганмас қўшик,  
Борчаси дер: «Меҳмон учун эшиклар очик».  
Қайга борсам, ширин нигоҳ, кўрсатади йўл,  
Қайга борсам, дўстлар менга узатади кўл.  
Қуёш юртин соғ ҳавоси - менинг мезбоним,  
Нурли осмон муддооси - менинг мезбоним.  
Шамоллари сочинг силаб, эртак айтади,  
Чўққиларга тезда бориб, тезда қайтади...  
Яшил дала, кўм-кўк майса, гўзал ҳиёбон -  
Гўё менга кенг ёзилган гўзал дастурхон...  
Бу бир Ватан - муҳаббатга макон бир Ватан..*

Умуман, Қамар Райис Ўзбекистонимизни аввалдан яхши билади, яхши кўради. У бизнинг ватанимиз, халқимизга атаб кўп гўзал шеърлар битган: «Ҳиндистонлик Ўзбекистонда», «Чойхона тонги», «Бир орзу», «Тошкент гули», «Зулфия», «Маъсум ўспирин», «Ўзбек раққосаси», «Жисми гулдай мавж урсин...».

Қамар Райиснинг Андижонга меҳру муҳаббати янада бўлакчароқ. У қадрдон дўсти, Бобур халқаро фонди раиси Зокиржон Машрабов таклифи билан вилоятимизга тез-тез ташриф буюриб туради. Андижонга навбатдаги сафарларидан бирида у Бобур Мирзонинг отаси Умаршайх Мирзо ҳоқимлик қилган, Андижон пойтахти бўлган Фарғона шаҳарларини зиёрат қилсан, дея истак билдириди. Зокиржон aka тавсияси билан камина ва азиз меҳмоннинг таржимони Муҳайё Абдураҳмонова ҳамроҳлигига йўлга чиқдик. Кувада Аҳмад ал-Фарғоний, Марғилонда Жаҳон отин Увайсий, Чимёнда Ҳувайдо, Кўқонда Нодирабегим, Муқимий ва бошқалар қабрларини зиёрат қилар эканмиз, Қамар Райис худди ўз аждодлари руҳи билан гаплашётгандек чуқур ўйга толар ва Куръон оятларини шикаста овозда гоятда таъсири тиловат қилар эди...

Қамар Райиснинг Андижонга айрича муҳаббати, қизиқиши аслида шу шаҳарда таваллуд топган Заҳириддин Муҳаммад Бобурга кучли ихлоси туфайлидир, десак, муболага эмас.

Бу атокли адид ижодини мен ролла-роса қирқ йилдан бери биламан. Тошкент университети (ҳозирги ЎзМУ) филология факультети талабаси эдим. «Бобур лирикасида муҳаббат мавзуи»даги курс ишимга манба-материаллар қидираётгіб, ана шу даврдаги энг оммавий журнал – «Гулистан»да «Шаҳаншоҳ шоир» сарлавҳали мақолага кўзим тушиб қолди. Ўқиб, муаллиф услубининг равонлиги, тилининг ширадорлигига қойил қолган ва ундан кўчирмалар олиб, ёзма ишимда фойдаланган эдим.

Мақолада Бобур Мирзо тўғрисида хўп латиф фикрлар айтилган эди. Жумладан: «...бу овозида чин ошиқлар фарёди жаранглган, хусн маликасининг майин товушидан дили бехузур, табиат гўзалликларининг шайдоси, ситамгар маҳбубасининг фироқида дили шикастланган, ёр висолига муштоқ, гўзал водийларда маъсум кезувчи хаёлий парини излаган Бобурдир». Яна у Бобур газалларининг жозибасига мафтун бўлганини «...қалб кўри билан ёзилган шеърияти олдида унинг шаҳаншоҳлиги гадолик қиласди, десак янгилишмаймиз», дея гоят нафис ифода этган эди. Бу Бобур бобомизга бекиёс муҳаббатдан далолат эди.

Ана шу муҳаббат ва шайдолик Қамар Райис кўлига кўп бора қалам тутқазди, Бобур мирзо ҳақида ёзишга даъват этди. «Бобур шахсияти ва шеърияти» шу тариқа юзага келган гўзал тадқиқотлардан биридир.

Бобур Мирзо шахсияти масаласи жуда кам зътибор берилган мавзу эмас, албатта, аммо ҳинд адабиётшуносининг рисоласи мавзунинг алоҳида олиниши ва чукурроқ тадқиқ этишга мойиллиги билан зътиборга лойиқдир. Асарда, биринчи навбатда, Захириддин Мұхаммад Бобурнинг инсон, шахс сифатидаги феъл-атвори, ички дунёси ҳақида сўз юритилади. Олимадабиётшунос ўз қаҳрамонига оид фазилат-хусусиятларнинг ҳар жиҳатига (шижоатлилиги, элчиллиги, тап тортмаслиги, очик кўнгиллиги, ростсўзлиги, тантлилиги, инсонларварлиги, ҳаётсеварлиги, покиза қалб эгаси, гўзаллик ва хусн шайдоси эканлиги ва ҳоказо) алоҳида-алоҳида тўхталиб, ўз фикри, мулоҳазаларини Бобур ҳаётидан олинган реал воқеалар, ривоятлар билан асослайди, мустаҳкамлайди. Натижада, мураккаб тақдирли Бобур Мирзонинг катта қалб эгаси эканлиги, улугворлиги янада бўртиб кўринади, айни вақтда Бобур йўл қўйган ва ўзи ҳам зътироф этган хатоликлар, чекланганниклар ҳам зътибордан четда қолмайди.

Муҳими, рисола муаллифнинг услубига хос йўсинда - равон, ширали тилда ёзилган - худди бадиий асар каби мароқ билан ўқилади. Мисол учун: «...табиат бу тоғли Фарғона водийсига мислсиз ҳуснни ато этган, Бобур эса унинг шайдоси бўлган. Табиатнинг мана шу сўлим гўшасида Бобурнинг шоирона тафкури куртак ёзган. Унинг боғлари, чинорлари, шакардан ширин меваларини таъриф қилишдан бир сония чарчамаган...». Ёки: «... аёллар ҳуснининг жозибаси, ғамзау адоларига мойиллик ҳисси Бобурда Кобулни фатҳ этгандан кейин туғилди. Май нўш этишнинг сирли лаззатларига ҳам худди ўша даврда ошно бўлган эди». «Улар (қизлар) шоҳ саройида яшардилар ва Бо-

бурнинг катта рафиқаси Моҳимнинг кўз-қулоқ бўлишига қарамай, улардан бири тун кечалар Бобурга бир кўриниш бе-риб қўйишни ҳеч ёддан чиқармас эди».

Китоб муаллифи Ўзбекистонда, ўзбеклар орасида кўп бўлғанилиги боис, ҳалқи-мизга хос сўз пайровларининг нозик жи-ҳатларини ҳам жуда яхши илгайди ва бу хусусиятни шеърий санъат билан боғлайди, муқояса қиласи: «Узбекларда гурунгларда, давраларда, ўзаро муомалада сўз ўйини катта аҳамият касб этади. Ҳозир ҳам зийрак, ҳозиржавоб одамлар сұхбатга жон киритиш учун тагдор жумлалар, «коса тагида нимкоса» қабилидаги гапларни ишлатадилар... Гап-гаштаклардаги бу аньана бардавом бўлишининг натижаси шуки, ҳозирги замон ўзбек шеъриятида ҳам эйҳом санъати сақланиб келмоқда». Ҳа, аслиятда китоб икки қисмдан иборат бўлиб, иккинчи қисм Захириддин Бобурнинг ижодий фаолияти, тўғрироғи гўзал шеърияти таҳлили ва мисолларига бағишлиланган. Маълумки, Ҳиндистонда Бобур Мирзони асосан подшоҳ сифатида биладилар, унинг кенг миқёсли мутафаккир, қомусий олимлиги, турк-ўзбек адабиётида Алишер Навоийдан кейинги улкан шоирлиги, бир қисм қалам аҳли, зиёлиларни истисно қилганда, жуда тор доирарадагина маълумдир. Қамар Райис масаланинг шу жиҳатини инобатга олиб, урду тилида ўқувчи ва ҳинд китобхонларига Бобур шеъриятидан ҳам бир мунча адабий сабоқлар берган. Унинг ўз таржимасидаги бир қатор ғазал ва руబойларини рисолага киритган (Ушбу бўлим зарурат йўқ деб ҳисобланиб, тушириб қолдирилади).

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, «Бобур шахсияти ва шеърияти» рисолаласини ўқиши баробарида китобхоннинг Бобур Мирзо ҳақидаги билим ва тушунчалари кенгайиб, меҳру муҳаббати орта боради, ватанпарварлик, буюк ватандошлар билан фахрланиш туйгуси кучланади. Ҳинд адабининг ўзбек мумтоз ижодкори, олијканоб, баҳодир инсон Захириддин Бобур сиймосига чизгилар китобининг юзага келиши ва ўз ихломандларига етиб боришида урду тилини пухта биладиган, муаллиф услубидаги нозик эврилишларни яхши ўзлаш-тирган таржимон, салоҳиятли оима Муҳайё Абдураҳмонованинг ҳам хиссаси катта, десак, янглишмаймиз.

Қамчибек ҚЕНЖА,  
Халқаро Бобур мукофоти лауреати.  
15 апрел, 2006 йил.

*Катта эҳтиром ва эътиқод ила бобуршунос олим, Бобур ҳалқаро фондиминг раиси, дўстим Зокиржон Машрабга багишлайман.*

*Қамар РАЙИС.*

## МУҚАДДИМА

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг дилкаш шахсияти ва шеъриятига қизиқиш қарийб 20 йил аввал етук ўзбек мумтоз шоири Алишер Навоий ва унга замондош шоирлар асарларини ўргана бошлаганимда уйғонган эди. Астасекин кўнгилдан жой олган шеърларни таржима қила бошладим. Тошкентда 10-12 йил яшаган пайтимда, бевосита одамлар орасида юриб, қолаверса, адабиёт, хусусан, шеъриятни мутолаа қилиш орқали ўзбекларнинг маданий-маънавий мероси билан танишиш имкони туғилди. Шуни ҳис қилдимки, ал-Беруний, Имом Бухорий, Абу Али ибн Сино каби Бобур ҳам шу замин маънавиятининг ҳосиласидирки, унинг буюк ишларини нафақат Марказий Осиё ва Ҳиндистон, балки бутун жаҳон тан олган ва ундан баҳраманддир. Яна шунга икрор бўлдимки, асрлардан бўён Ўзбекистон аҳли Бобурни бир ҳукмдор фотихдан кўра мумтоз шоир, таниқли носир ва олим деб билади ҳамда севиб ардоқлайди. Шўролар даврида ҳам одамларнинг уйларида ёшгина Бобурнинг қўлида китоб билан хаёлга чўмғанча ўтирган суратини кўп кўрганман.

Бобур шахсияти мени аста-секин ўзига ром этиб, «Бобурнома» ва шеърий мероси билан танишганим сайин унинг сиймоси кўз олдимда гавдалана борди. Ҳукмдор сифатида ўз давлати ва босиб олган ерларида тартиб, адолатнинг таъсирчан қонун-қоидаларини ўрнатишга-ку муваффақ бўлмади, зоро бу жуда мушкул вазифа эди.

Аммо шоир, адиб, ошиқ, табиат шайдоси, мусиқа мухлиси ва романтик феъл-автор эгаси бўлган инсон Бобурнинг серқирига, мафтункор шахсияти ҳамиша дилларни бефарқ қолдирмаган. Бундай даҳолар муайян давр мезонлари ёки қадриятлари доирасида қолиб кетмайди, балки улардан илгарилаб кетгани бисис, инсониятнинг маданий-маънавий меросини янада бойитиш ёки туб бурилиш ясашга сабабчи бўладилар.

Мен Ҳиндистонни сиёсий-жўғрофий жиҳатдан бирлаштириш, унинг Шарқ ва Ғарб мамлакатларига нисбатан иқтисодий ривожини янги босқичга кўтаришда бобурийлар салтанати ҳукмдорларининг қилган буюк ишларини санаб ўтиш фикридан йироқман. Буни муаррихлар қилгани маъқул. Бунинг устига уларнинг шиҷоатию матонати, қилич ўйнатиб, не-не ўлкаларни забт этиб олгани ўта қизиқ мавзу бўлса-да, бизнинг тадқиқот доиранизга кирмайди. Ҳолбуки, Бобур шахсиятидаги мана шу каби хусусиятлар ҳам асли унинг романтик табиатининг бир бўлаги ҳисобланади. Баъзан шундай туюладики, унинг қилич ўйнатиб, қўшин тортганлари томирада жўш ураётган Чингиз ва Темурнинг қонини совутмаслик учун баҳона бўлган. Аслида у шахсидаги баъзи етакчи хусусиятлар туфайли унинг аждодлари саналмиш жаҳонни забт этган бу фотиҳлардан бутунлай айрича эди. Бу ҳақиқатни барча бобуршунослар тан оладики, молу давлат, дурру жавоҳир тўплаш ҳисси унга буткул ёт эди. У қанча бойлик, мол-давлатга қўли етган бўлса, уларни авому хосга тақсимлаб бергани учун дарвиш номини олган бўлса, ажабмас. Ҳаттоқи Кўҳинур олмосини ҳам бир зум иккимай ўғлига тортиқ қилган.

Менинг юртимда ўтган ўн йиллик ичидаги баъзи бир телбанамо кишилар Бобур мирзонинг номини қўшимча сифатлар билан тилга ола бошладилар. Буни мен ножоиз ва номуносиб деб ҳисоблайман. Оқибатини ўйламайдиган бу шахслар бундай ёндашув бизнинг миллий манфаатларимизга хилоф эканлигини билмасмикан? Қўшни давлатлар, масалан, Афғонистон, Ўзбекистон, Непал ва

бошқалар билан яхши қўшничилик алоқаларини ривожләнтириш ташқи сиёсатнинг етакчи йўналишларидан биридир. Бобур Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари учун қаҳрамон даражасида туради. Ҳеч бўлмаса икки халқнинг кўнглидаги ҳис-туйғуларни ҳурмат қилиш керак-ку? Бусиз биз дўст миллатларнинг қалбини, уларнинг меҳрини қозона олмаймиз. Пандит Жавоҳарлаъл Неру Бобурнинг буюклиги унинг Ҳиндистонни фатҳ этганида эмас, балки ҳинд халқининг қалбини забт эта олганида, деб ёзган эди.

Шу ерда бир воқеани келтиришни жоиз деб била-ман. Ҳиндистон ҳукумати 5 йил аввал юз минглаб рупияни сарфлаб, «Рамайана» ва «Маҳабҳорат» каби телевизион сериалларни Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш қилиш учун тухфа сифатида берди. Мен шоҳидманки, бу сериаллар омма орасида шу қадар машҳур бўлиб кетдик, улар такрор-такрор кўрсатилди. Бугунги кунда Рам, Сита, Лакшман ва «Маҳабҳорат»нинг сон-саноқсиз қаҳрамонлари ўзбеклар қалбида чуқур из қолдирган. Биз дўстлик икки томондан бўлиши лозимлигини эсда тутишимиз керак.

1999 йилнинг майида собиқ Ташқи ишлар вазири Жасвант Сингҳ Тошкентга сафар қилганида Ҳиндистон Маданият марказига ташриф буюрдилар. Сұҳбат чоғида истом кириб келишидан аввал Ҳиндистон ва Марказий Осиё халқлари, айниқса, Ўзбекистон билан бўлган муносабатлар юзасидан анжуман ташкил қиласак, деб истак билдирилар. Мен Ҳиндистон элчихонаси ёрдамида 2000 йилнинг 1-3 май кунлари шу мавзуда З кунлик халқаро анжуман ташкил этдим. Унда Ҳиндистондан ташқари 5 давлатнинг меъморчилик ва тарих илми олимлари қатнашдилар, 25 та маъруза ўқилди. Бу мақолалар яқиндагина тўплам шаклида Тошкентда чоп этилди.

Семинарда илмий далиллар асосида шу нарса равшан бўлдики, зрамизнинг биринчи асридан то тўртинчи асрининг бошларигача, яъни Кушон салтанати даврида шу худудда ҳиндлар сиёсати ва маданияти ҳукмронлик

қилган. Ўтган 70 йил мобайнида Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий регионида олиб борилган қазиш ишлари пайтида топилган ашёлар, асбоб-анжомлардан кўриниб турардики, бу ҳудудда тахминан 500 йилгача буддавийлик дини ҳукм сурган. Бугина эмас, Ҳиндистон тиллари ва алифбоси қўлланилган. Кейинчалик ҳам Ўзбекистоннинг маданий ҳаётида буларнинг таъсири кучли бўлган. 15-асрдан кейин Ўзбекистоннинг маданияти ва цивилизацияси мўғуллар салтанати даврида Ҳиндистоннинг ҳаёти ва маданиятининг бир неча соҳаларига таъсирини ўтказди. Натижада муштарак маданият юзага келди.

Бир ярим минг йил аввал Кушон ҳукмдорлари Марказий Осиё ва Ҳиндистон ўртасида ўрнатган маданий алоқаларни Буюк Ипак йўли янада мустаҳкам қилган бўлса, Бобур мирзонинг сиёсати унга янги ҳаёт берди. У қолдирган улкан мерос бу ришталарнинг гуллаб-яшнашига имкон яратди. Аммо мен тарихдан сўзламоқчи эмасман. Ниятим, Бобур ижодиётининг шундай маънавий-маърифий қирраларини очишки, ҳозир улар кўпчиликка маълум эмас, ёки негадир эътибордан четда қолган.

Шуни ҳам айтишим керакки, Бобурнинг шахсиятини ахлоқий мезон ёки бирон ўлчовга солиб текшириш ниятим йўқ. У ўз феъл-атворини, шахсини, қишиларга, дунё ишларига муносабатини ўз таржимаи ҳолида рўй-рост ёзган. Мен эса Бобур шахсининг жонли тасвирини инсоф доирасида ёритиб беришга ҳаракат қилдим, холос. Бу мақсадга нечогли зриша олганимни китобхонлар баҳолайдилар.

## ҲАЁТИНИНГ ИЛК ДАВРИ

Фарғона мулки подшоси Умаршайх мирзонинг ногаҳон ўлимидан сўнг 1494 йилда эндиғина 11 ёшни қоралаган Бобур мирзо отамерос гаҳтни згаллаши керак зди. Аммо у гўзал водийнинг тождори бўлди-ю, ҳокимиятга дъявогарлар бош кўтара бошлади. Шундан сўнг Бобур мирzonинг ҳаёти ҳарбий юришлар, тож-тахт учун курашлар палласига кирди. Унинг ҳаёт достонининг мана шу саҳифалари нафақат қизиқарли, балки ҳайратга соларли, қайсиdir маънода драматик воқеаларга бойдир. Аммо биз бунга берилмай, аксинча, Бобур мирzonинг романтик шахсини ўрганмоқчимиз. Чунки худди шу жиҳат унинг инсон сифатида ҳаёти ва ижодиёти билан чамбар-час боғлик, назаримда.

Бобур мирзо 1483 йилнинг 14 февралида Фарғона водийсининг Андижон шаҳрида дунёга келди. У Амир Темурнинг олтинчи авлодидан бўлиб, бундан у ҳамиша фахрланган. Амир Темур тож-тахт, мол-мulkка ҳавасидан қатъи назар, у илму фан, ақл-идрок эгаси, санъат ҳомийси, муҳташам бинолару боғлар яратишга иштиёқманд инсон зди. Шунинг учун Бобур мирзо ўзини Темурнинг мана шу бемисл маънавий меросига ворис деб ҳисоблаган. Иккинчидан, у она томондан Чингиз-мўгул наслига тааллуқли зди. «Бобурнома»да ёзади: «Падари бузрукворимиз биринчи рафиқасининг исми Қутлуг Нигор (хсним) зди. У шоҳ Юнусхоннинг қизи зди. Шоҳ Юнусхон Чингизхоннинг ўғли Чигатойхон наслидан зди».

Яна бир жойда ёзади: «У (онам) аксари ҳолларда жангу жадал ва қийин кунларда мен билан доим бирга зди».<sup>1</sup>

Тарихчиларнинг ёзишича, Бобур мирзонинг бошлангич тарбияси ва таълим олишида волидаи муҳтарамасининг роли катта бўлган. У туркий ва араб тилларидан ташқари форс тилини яхши билар, шунингдек, табъи назми бор зди. Айтишларича, халқ қўшиқларини яхши куйларди. Бобурда мусиқага гайриоддий салоҳиятнинг шаклланишида, балки, волидасининг катта ҳиссаси бўлгандир.

1995 йилнинг майида мен иккинчи бор Андижонга сафар қилганимда Бобур халқаро фондининг раиси Зокиржон Машраб жанобларининг меҳмони бўлдим. Самолёт ерга қўнишдан аввал шаҳар узра парвоз қилаётганида кўрдимки, шаҳарнинг шоҳ кўчаларию, баланд иморатлари бари-бари кўм-кўк яшнаган дараҳтлар оғушига беркинган зди. Водийга баҳор «ўз сўзини ўтказган» пайтлар зди. Кўчанинг икки чеккасида қад кўтарган чинорлар бошини хам қилиб, меҳроб шаклини эслатарди. Ёдимга тушди - Бобур «Бобурнома»сида она диёрининг кўркамлигини, далаларининг «латифу дилкашлиги»ни таърифлаган зди.

Нонуштадан сўнг Зокиржон Машраб жаноблари мени эндиғина таъмирланган Боги Бобурга таклиф этдилар. Сайр эта туриб, биз Бобур музейи жойлашган кенг иморатта кирдик. Унинг ёнгинасида Бобур мирzonинг алпдай савлатли ҳайкалига кўзим тушди. Бобур музейи шахри Андижоннинг Арк ичи маҳалласида жойлашган. Зокиржон аканинг тушунтиришларича, Бобурнинг илк болалик даври худди шу маҳаллада ўтган. Бобур музейи қурилган жойда авваллари Бобур таҳсил олган мадраса бўлган экан. Унинг ён-атрофидаги тор-танқис кўчаларда ҳозиргача темирчилар, мисгарлар, ҳунармандларнинг катта-кичик дўконлари сақланиб қолган.

<sup>1</sup> Изоҳлар китобининг 62-63-бетларида берилмоқда - Таҳр.

Бобурнинг таржимаи ҳолини тадқиқ этган гарблик олим Хералд Лемб унинг илк таълим олган даври хусусида шундай ёзади: «Бобур ёз ойлари бодга устозининг қаршисида чўккалааб ўтирганча мутолаа қилар, қишида эса ўқиш катта-катта манқаллар иситиб турадиган хонада давом этарди. У шу қадар билимга ташна эканлигидан 11 ёшида жуда кўп илмни згаллади. Бундан кейин таҳсилни давом этиришга фурсат етмади. Устоз Бобур ва унинг саройдаги укаларига ҳисоб масалалари, сайёralарнинг ҳаракатлари, илоҳиётдан дарс берар, Темур ва Чигатойдан олдинги аждодларнинг тарихини ўргатарди. Бобурнинг табиатида қизиқувчаник кучли эди. Тез орада у ўз хотираасига маълумотлар хазинасини жойлааб олди».

Болалик йиллари ҳақида Хералд Лемб шундай ёзади:

«Бобур яшаган муҳитда уч тилда гапириларди. Шунинг учун ҳам қишлоқ одамларининг эски туркий тили, кўча ва бозорлардаги форсий шеваси, аҳли илим гапирадиган араб-форсий тилларини ўрганиб олиш қийин бўлмади. Сўз ўйинини эшлитиб, баҳри-дили очиларди. Чор атрофидаги одамларнинг ҳол-аҳволига қизиқарди. Кўп ўтмай ўзи туғилиб ўсган водий кишиларига уламою фузалоларнинг сўзлари ва шоирларнинг энг яхши шеърларини айтиб бера бошлади. У ҳақиқатни севувчи эди, нимаики қизик, сирли туюлса, тагига етмай қўймасди» (2).

Ёшлик йиллари ўтар-ўтмас, Бобур ўз ватанидан айри тушди. Лекин бу ям-яшил водийнинг гўзалликлари бир зумга ҳам ёдидан кўтариilmади. Андижондан оқиб ўтадиган бир дарёни Бобур ўз асарида қайта-қайта зслайди. Мен уни кўрганман. Афсуски, ҳозир у қуриб, 2-2,5 футлик баландликдаги бир чогроққина ариққа айланган. Андижондан 20-25 мил нарида гўзал Ўш шаҳри жойлашган. У Андижондан кўра баландроқда. Ёз фаслини Бобур кўпроқ шу жойда ўтказган экан.

Гапнинг рости, табиат бу тоғли Фарғона водийсига мислсиз хусн ато этган, Бобур эса унинг шайдоси бўлган. Табиатнинг мана шу сўлим гўшасида Бобурнинг шоирона

тафаккури куртак очган. Унинг боғлари, чинорлари, шакардан ширин меваларини таъриф қилишдан бир сония чарчамаган, кейин ҳам «Бобурнома»ни ёзаётуб, ўз қули билан йўқотиб қўйган беҳиштни ўз сўзи билан эсласак:

«Фарғона вилояти бешинчи иқлимдиндур. Маъмура-нинг канорасида воқе бўлубтур. Шарқи Кошгар, гарби Самарқанд, жануби Бадахшоннинг сарҳади тоғлар, шимолида агарчи бурун шаҳрлар бор экандур...

Етти пора қасабаси бор; беши Сайхун суйининг жа-нуб тарафида, икки шимоли жонибida. Жанубий тарафидағи қасабалар бир Андижондурким, васатта воқе бўлубтур, Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиги во-фир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас. Анди-жоннинг ношпотисидан яхшироқ ношпоти бўлмас.

Яна бир Ўш қасабасидур. Андижоннинг шарқи жа-нубий тарафидур, шарққа мойил, Андижондин тўрт йигоч йўлдур. Ҳавоси хўб ва оқар суйи фаровондур. Баҳори бисёр яхши бўлур. Ўшнинг фазилатида хейли аҳодис во-рид бўлубтур. Қўргоннинг шарқи жанубий бир мавзун тоғ тушубтур. Барокӯҳга мавсум, бу тоғнинг қулласида Султон Маҳмудхон бир ҳужра солибтур, ул ҳужрадин қўйироқ ушбу тоғнинг тумшуғида тарих тўққуз юз иккода мен бир айвонлик ҳужра солдим. Агарчи ул ҳужра мун-дин муртафеъдур, vale бу ҳужра бисёр яхшироқ воқе бўлубтур: тамом шаҳр ва маҳаллот сёғ остидадур. Анди-жон руди Ўшнинг маҳаллотининг ичи била ўтуб, Андижонга борур. Бу руднинг ҳар икки жониби богоғ тушубтур, тамом боғлари рудқа мушрифтур, бинафшаси бисёр латиф бўлур.

Яна бир Марғонидур, Андижоннинг гарбидадур, Андижондин етти йигоч йўлдур. Яхши қасаба воқе бўлубтур, пур неъмат: анори ва ўруги асру кўп хўб бўлур. Бир жинс анори бўлур, «дона калон» дерлар, чучуклигида зардолу майхушлиғидин андак чошни бор. Самон анорлариға таржех қилса бўлур. Яна бир жинс ўрук бў-лурким, донасини олиб, ичига мағз солиб қурутурлар,

«сұбхоний» дерлар, бисёр лазиздур. Ови қуши яхшидур, оқ кийик ёвуқта бўлур. Эли сорттур ва муштзан ва пуршару шўр элдур. Жангаралик расми Мовароуннахрда шоеъдур, Самарқанд ва Бухорода номдор жангараалар аксар Марғинонийдур. Соҳиби «Ҳидоя» Марғиноннинг Рушдон отлиқ кентидиндур.

Яна бир Исфарадур, кўхпояда воқе бўлубтур. Оқар сувлари, сафолик боғчалари бор. Марғиноннинг гарби жанубидадур. Марғинон била Исфара ораси тўққуз йигоч йўлдур. Мусмир дарахтиси бисёрдур, vale боғчаларида аксар бодом дарахтидур.

Яна бир Хўжанддур, Андижондин гарб сорига йигрма беш йигоч йўлдур. Хўжанддин Самарқанд ҳам йигрма беш йигоч йўлдур, қадим шаҳарлардиндур. Шайх Муслиҳиддин ва Ҳожа Камол Хўжандтиндурлар.

Яна бир Косондур, Ахсининг шимолида тушубтур, кичикроқ қасабадур. Нечукким Андижон суйи Ўшдин келур, Ахси суйи Косондин келур. Яхши ҳаволиқ ердур, сафолик боғчалари бор. Вале сафолик боғчалари тамом сой ёқасида воқе бўлгон учун, «пўстини пеш берра» дебтурлар. Сафо ва ҳавода Уш била Косон элининг таассуби бор. Бу тоғларда фируза кони ва темур кони бўлур. Фарғона вилоятининг ҳосили била, агар адл қилсалар, учтўрт минг киши сахласа бўлур» (3).

Мана шунаقا таърифга эга Бобур мирзонинг она юрти Фарғона!

Бобур болалик чогида ҳам шижоатли, зитчил, тап тортмас бўлган. Самарқанд бобоси Амир Темур салтанатининг пойтахти бўлган. Унга эга чиқишга Бобур ўзини ҳақли деб билган. Бобурнинг азму қарорини кўрингки, у бир томондан кичиккина давлатни ўгай укаси Жаҳонгир мирзо ва бошқа ғанимлари ҳужумларидан сақлаб қолишини ўйлаган бўлса, иккинчи томондан, Самарқандни босиб олиб, ҳокимликни қўлга киритишни кўзлаётган эди. 1500 йилда Даشت Қипчоқдан келган Шайбонийхон Самарқандни эгаллаб олган эди. Аммо Бобур мирзо ўзининг содиқ беклари ва Самарқанд аҳли ёрдами билан

Самарқандни забт этди. Шайбонийхон чекинди. Аммо бу ғалабанинг умри қисқа эди. Тез орада Шайбонийхон иккинчи бор Самарқандни згаллади. Бобур Самарқандни тарк этиб, дашту саҳроларда дарбадар юришга мажбур бўлди. Чунки бу пайтда Андижонга султон Аҳмад Танбал ҳокимлик қиласр эди. Бобур аро йўлда сарсон бўлиб қолган эди. Нихоят 9-10 йиллик саргардонликдан сўнг у Ҳиротни згаллашга умид боғлади, чунки у ернинг шоҳи султон Ҳусайн Бойқаронинг кўмак беришига ишонарди. Лекин ҳукм сурған вазият туфайли Ҳиротга эмас, Кобулга юз бурди. У ернинг ҳукмдори Улуғхон - Бобурнинг амакиси вафот этган эди.

## СИНОВЛАРДА ТОБЛАНГАН ИРОДА

1494 йилда Фарғонада тож кийганидан то 1504 йилда Кобулни забт этишигача ўтган 10 йиллик давр Бобур мирзо учун қийин кураш йиллари эди. Отамерос бўлган Фарғонадек кичиккина салтанат унинг шижаатию эҳтиёжлари учун кифоя эмасди. Ёш бўлишига қарамай бобоси Амир Темур каби довруқ таратиб, ҳокимият юритиш орзусида эди, зиддиятларга тўла вазиятни ўзига мос келадиган ҳолга келтириш пайида эди. Аммо тажрибанинг камлиги, зътиқодли кўринган дўстларнинг хоинлиги, бекларнинг фитналари, яқинлари, ўгай укаси Жаҳонгир мирзонинг ғаламислиги сабабидан у ўз режаларини амалга ошира олмаётган эди. «Бобурнома»да ёзишича, у баъзан бундан тушкунликка тушиб, мулки Чин томон бош олиб кетишини ҳам ўйларди.

Синовларга тўла ўн йил Бобур мирзони тоблади. У сиёсат ва давлат учун бемаъни қонли урушлар ва фитналарни қоралайди. Фарғона ва Самарқандга қилган юришларида, албатта, ундан ҳам хатолар ўтган. Бунинг учун у озмунча надомат чекдими?! Ўқинч-афсус қанчалар азоб берганикин? Лекин хиёнат Бобурга ёт эди. «Бобурнома»да ёзади: «Бир сабоҳи Марғонондин Жаҳонгир мирзо Танбалдин айрилиб қочиб келди. Мен ҳаммомда эдим-ким, мирзо келди, кўруштим. Ушбу замон Шайх Боязид

ҳам изтироб била келди, олдорабтур. Мирзо ва Иброҳимбек алар дедиларким, Шайх Боязидни тутмоқ керак, аркни иликламоқ керак. Филвоқиъ ишнинг ҳисоби бу эди. Мен дедимким, аҳд қилибтур. Биз нечук нақзи аҳд қилгайбиз» (6).

Ҳар қандай шароитда сотқинликдан юз ўтирган Бобурнинг шахсиятида событқадамлик, қатъийлик ва кескинлик каби ижобий хислатлар Бобурнинг кейинги юришларида янада бўртиб кўринади. Бошидан кечирган аччиқ тажрибалар гё унинг серқирра шахсини ҳар томондан ўтирилаларга тоблаб, соф олтинга айлантириб борарди.

Дарҳақиқат, унинг романтик табииати билан ҳақгўлиги ўртасида кураш борарди. Шунингдек унинг диний қарашлари Бобурдаги очиқ кўнгиллик ва ҳур фикрга кўндаланг тушган эди. Аммо ундағи олийҳимматлик ва одамийликка ҳеч қачон птур етмади. Ҳамиша ўз шахси ва феъл-авторини устувор мувозанатда сақлай олди. Жуда танг аҳволга дучор келганда ҳам ҳаётсеварлик ва хушвақтлик уни тарқ этмади. Бобур - шерга хос бу белги, яъни темир ирода ва қатъий ишонч ҳисси унинг бутун умри мобайнида тараққий этиб борди. Бу борада тарихчилар жуда кўп қизиқ воқеаларни тилга оладилар. «Бобурнома»да муаллифнинг ўзи ҳам жуда соддалик ва кўнгилчанлик билан бошидан кечиргандарини сўзлаб, баъзи ҳақиқатларга ойдинлик киритган.

Шиддатли совуқ эди. Бобур ўз ғаними Шайбонийхон кетига тушган пайт. Шу қадар қаттиқ совуқ эдики, сипоҳийлардан уч нафари совқотиб ўлди. Ҳўжанд дарёсига яқин келгандарида сувнинг юзини муз олганини кўрдилар. Шу жойдан кесиб ўтиш лозим эди. Табиийки, сипоҳийлар яхлаган сувни кўриб, талмовсираб қолдилар. Кечани дарёнинг бўйида ўтказдилар. Эрта тонгда сипоҳийлар ўтовдан чиқиб, анҳорда қулоч отиб сузаётган кишига кўзлари тушди. Ўша одам суюна-суюна қайта-қайта сувга шўнгирди. Яқинроқ бориб кўрдилар - бу уларнинг ҳукмдори Бобур эди. Чунончи, Бобур дарёни

кесиб ўтишни буюрганида сипо ҳийлардан биронтаси ҳеч иккиланмаган бўлса, ажабмас.

Яна шундай бир воқеа Қобулга яқин ерда рўй беради. Бобурнинг қўшинлари кучли қор бўронида қолади. Тун пайти эди. Қор шу қадар шиддат билан ёғардики, елка бўйи келган эди. Шу орада қўшин йўлдан адашди. Бу каби бўронларга учраган қанчадан-қанча ҳарбий қўшинлар ажал домига илинган эдилар. Беклардан бирининг тог ёнбағридаги горга кўзи тушди. Унга фақат бир неча кишигина сиғиши мумкин эди. Улар Бобурдан шу горга кириб, ичида бироз тин олишини айтдилар. Шунда Бобур, мен гор ичида иссиқда фароғат қилиб ўтирсаму, эл машаққатда турса, қандай тоқат қиласман, деб жавоб берди.

«Бобурнома»да ёзади: «Бир форсий масал бор: «Марг боёрон сураст», яъни дўстлар билан келган ўлим тўйдир».

Бобур руҳининг тетиклиги ва ғайрат-шижоати хусусида тилга олишга арзигулик кўп воқеалар бор. Мен фақат биттасини мисол келтирмоқчиман:

Бир дафъа Бобур мирзо асосий ганими Шайбоний-хондан маглуб келиб, ўзига хайриҳоҳ кишилари билан Самарқанддан чекинади. Эгачиси Хонзода бегим ва бувисини худонинг раҳму карамига ишониб ташлаб кетишга мажбур бўлади. Ўзи билан бирга биронта асбоб-анжом ҳам олмади. Чангалзорларда сарсон-саргардан юрди. Очлик азоби, душман навкарларининг таъқибидан хавотирга тушди. Бобур ёзади:

«Сўғднинг улуг шоҳжуйларига қоронгу кечада урунуб, йўл итуруб юз ташвиш била тонг отқонда Ҳожа Дилдордин ўтуб, суннат вақтида Қорбуғ пуштасига йирмоштук. Қорбуғ пуштасининг шимолдин Худак кентининг оёғи била Илон Ўтини туслаб тебрадук. Йўлда борурда Қанбар Али ва Қосимбек била от тортиштук. Менинг отим ўтти. Анинг отининг қолғонини боқар хаёл қилиб қайрилдим. Танг бўшаб экандур, эгар эврулди. Бошим била ерга йиқилдим, агарчи ўшул замон қўпуб отландим,

вале ақлим охшомғача қарорига келмади. Бу кеч намози дигар Илон Ўтида тушуб, от ўлтуруб этини шишлаб, кабоб қилиб, отни лаҳза тиндурууб отландук» (8).

Ўз мулкидан, тахтидан, азиз акраболаридан мосуво ҳукмдорнинг қийин дамларда ҳам от чоптириб кимўзи үйнаши бу фақат Бобур каби жасур, дадил ва қатъий инсоннинггина шеваси бўлиши мумкин.

## ДИН ВА ДАРВИШЛАРГА ЭЪТИҚОД

Романтик одамнинг ҳаётида барқарорлик камроқ бўлади. Таъсирчанлик ва кескинлик характеристикнинг бир бўлаги ҳисобланади. Лекин буларнинг иккиси одамнинг маданияти ва маънавияти даражасига ҳам боғлиқ бўлади. XV аср бутун дунёда дин ва диний курашлар устувор бўлган давр ҳисобланади. Аммо тарихий воқеаларнинг гувоҳлик беришича, Марказий Осиёда Ҳиндистон ёки Гарбий Осиёдаги мамлакатлардаги каби диний қарашлар ўта ҳукмрон ғоя бўлмаган. Мўгул бўлсин ёки ўзбек, ёки турк бўлсин, исломни қабул қилганига қарамай, улар фикр эркинлиги ҳисси билан бирлашган здилар. Амир Темур, ундан кейинги темурийзода ҳукмдорлар исломий илмларнинг ривожига кўп эътибор қаратганлар. Лекин давлатни юритишдаги қонун-қоидалар ва уларни амалга оширишда шариатга ҳаминқадар йўл берилган эди.

Бобурнинг илк таълим-тарбиясида онаси Қутлуг Нигор хоним ва бувиси Эсон Давлатбегимнинг катта ҳиссаси бўлган. Улар художўй бўлгани боис жуда тақводор, тоат-ибодатга берилган бўлганлар. Улардан ташқари ўша давр талабига кўра Бобурнинг мураббийлари ҳам диний таълимни бўшаштирганлар. Диний илмлар бобида унинг фаросати ва зийрак ақлига «Бобурнома»нинг жуда кўп жойларида гувоҳ бўламиз.

Бобурнинг отаси Умаршайх замонасининг машҳур нақшбандия тариқатига ихлос қўйган, Хожа Аҳрор тарбиясини олган киши эди. Бобур туғилганида унинг исмини Заҳириддин Муҳаммад Бобур деб Хожа Убайдуллоҳ

Аҳрор қўйган экан. Бу пиру муршид ҳақида тарихчилар ёзадики, у Марказий Осиё ҳукмдорларининг бирлашишида катта ўрин тутган. Бобур ҳам умр бўйи пирининг мана шу хислатига тақлид қилди. Диний фикр-ўйлар унинг кўнглидан шундай жой олган эдики, у умрининг ярмини ҳалолликда, чин ихлос билан ўтказди. Тахминан 25 ёшгача у отаси, амакиси ва бошқа темурий шаҳзодалар қилган номаъкул ишларга яқин йўламади. Шаробга қайрилиб қарамади. Хералд Лемб ўз қаҳрамони ҳақида шундай ёзади: «Ҳали гўрлигидеёқ Бобур тақводорликда умримни ўтказман, деб қатъий ният қилган эди. Чунончи ўзига шубҳали кўринган таомларни тановул қилмас, товоқ-кошиқларнинг озода тутилишига зътибор қиласди. Хуфтон намозини канда қилмасди» (9). Бобурнинг сийратидаги раҳмдиллик, адлу инсоф ва бошқа фазилатлар-ку аввалдан бор эди, диний зътиқоди уларга янада сайқал берган бўлса, эҳтимол. Бу ҳақиқат «Бобурнома»да ўз исботини топган.

Самарқанд атрофида Бобурнинг қўшинлари ўрнашган жойда унинг бир неча навкарлари тожирларнинг молларини ўлжага олади. Бобур билиб қолиб, таланганд ўлжаларни ўз эгаларига ҳеч нарсани қолдирмай қайтариб беришга мажбур қиласди.

Хисравшоҳ Бобурнинг рақиби Шайбонийхоннинг шерикларидан эди. Бобурга зарба беришга уринган ҳам эди. Аммо бир куни у Шайбонийхондан тониб, Бобурдан мадад сўраб келади. Бобур унинг ҳаётини сақлаб қолади ва яна нимаики истаса, ўзи билан олиб кетишга ҳам изн беради. «Бобурнома»да ёзади: «Чун аҳл бўлиб эди, Хисравшоҳни ирода қилиб, фармон бўлдиким, элта олғонча нимасини элтгай. Уч-тўрт қатор хачир ва тевада бўлғон жавоҳир ва олтун, кумуш ва нафис нималарини юклаб элти» (10).

Бобур дарвишларга алоҳида зътиқод қиласди. Уларнинг мозорларини ҳам азиз деб биларди. Кобулни фатҳ этгач, у Ҳиндистон томон отланганда Сулаймон тогининг этагида Бобурнинг навкарлари бир авлиёнинг мозорига

яқинлашади. Ён-атрофига дағн этилганлар ҳам хосиятли кишилар ўтган бўлиши мумкин. У ерни ҳам Бобурнинг навкарлари вайрон қила бошладилар. Буни билган Бобур газабланди. «Бобурнома»да ёзишича, «Ҳиндлар бу мозорни мўътабар ҳисоблайдилар. Менинг кишиларим қўпоплик содир этдилар. Мен улардан бирини қатл этиб, жасадини тилка-пора қилишга буюрдим, токи қолганларга ўрнак бўлсин деб».

Кобулга ҳоким бўлган даврида одам ўлдириш, вайронгарчилик ҳолатлари, албатта, рўй берган. Бир лашкарбошининг фармонига кўра бегуноҳлар ҳам ўлдирилган. Лекин булар аслида армияда маълум тартиб ва интизомни жорий қилиш ва мустаҳкамлаш учун, ўша замон шароити учун аҳамиятли бўлган. Аслида Бобур марҳаматли, шафқатли инсон бўлган. Жуда кўп ганимлари ва исёнчиларнинг гуноҳидан ўтган. Унинг ўгай укалари Жаҳонгир мирзо ва Носир мирзолар душманлари билан тил бириктириб, фитна-фужур уюштирганлар. Аммо Бобур катта воҳани босиб олиб ғалаба қозонганида, энг аввало, ўз укаларини олдига чорлаб, катта-катта ер-сувларни бўлиб берди. Бу Бобурнинг бағри кенг, танти, ўз жигарларига оқибатли бўлгани билан бирга ниҳоятда самимий бўлганини яққол кўрсатади. Худди шу ҳақда Бобур «Бобурнома»да ёзади: «Тонгласи Фаррухзоднинг чаҳорбогигаким, ўрду анда зди, келдим. Қандаҳор вилоятини Носир мирзога бердим. Хизоналарни забт қилиб, юклаб чиқар маҳалда, арктағи хизонадин бир қатор тева юки оқ танга Носир мирзо олиб қолибтур. Ани тиламай, Носир мирзога иноят қилдим» (11).

Бобур мирзонинг газнавийлар ва гурийлар каби молмулк, олтину зарга ҳирс қўймагани ҳақидаги бундай ибратли мисоллар Ҳинд диёрини забт этганидан кейинги ҳаётida ҳам кўп учрайди. Шу боис унинг қалбидаги бегуборлик ва некбинлик умрининг охирги лаҳзаларигача сақланиб қолди.

Дарҳақиқат, ислом ва бошқа мазҳабларнинг таълимотидаги асосий ғояга кўра одам комил йнсон даражаси-

га интилиши керак. Одамларга хос олий инсоний қадриятларни қалбига, имонига мустаҳкам жо қилиши керак, сўзи аъмоллари ва ахлоқига тўгри келсин. Мунофиклик, риёкорликдан йироқ юрсин. Инсон бошига келган ғам-мусибат, дардларига дардманд, одамга хос хатолар ва ноқис жиҳатларни кечиравчан бўлиши керак. Ислом реал ҳаётдаги муаммою кулфатларда ақл билан иш тутиб, ҳушёрлик билан бир қарорга келишни ва ниҳоят, ўзидағи хунук иллатлар ёки салбий ҳис-туйгулар, хусусан, жаҳл, ҳирс, ҳасад, хусумат каби иллатларнинг ўз дилидан ёки вужудидан жой олишига йўл қўймаслик, улардан сақланишни буюрган.

Ҳарбий урушлар ва истилолар пайтида қатлу горат, талон-тарож ўрта аср тарихига хос ҳолат эди. Аксари ҳолларда аскарлар тортиб олинган ўлжа ҳисобига кун кечирардилар. Аммо Бобур жангу жадал бўлмаган тинч вазиятда ўз жангчиларининг тинч аҳолини талаб ёки савдогарларнинг карвонига ҳужум қилиб, уларнинг молмulkини тортиб олишига йўл қўймаган. Бунинг исботи сифатида биргина воқеани мисол келтиришим кифоя деб ўйлайман: «Калотга етганда қалин Ҳиндустон савдогарлариким, Калотга савдо қилғали келган экандурлар, қоча олмадилар, черик эли алар устиға-ўқ етиб борди. Аксар барин бўлдиларким, мундок ёғилик маҳалда ёги вилоятига келадургани таламоқ керак, мен ризо бўлмадим. Дедимким, савдогарнинг не гуноҳи бор, мундок жузъий-жузъий фойдадин тенгри ризосини ародада кўруб кечсак, мунинг муқобаласида куллий-куллий фавоид тенгри таоло рўзи қилгусидур... Калоттин ўтуб тушуб, бу савдогарлардин лешкаш расми била бирор нима олилди» (12).

## РОМАНТИК ХАЁЛЛАР ОҒУШИДА

1504 йилда Бобур мирзо Кобулнинг ҳокими Муқимбек ва Арғунга зарба бергач, водий Бобурнинг тўлиқ тасарруфига ўтади. Шу воқеа натижаси ўлароқ Бобурнинг ҳаётидаги жангу жадаллар даври тугайди. Унинг ҳаёти янги босқичга киради. Қирғин урушлар ва ўлкалар

забтида ўтган давр ёшликтинг ғайрат-шижоати, жўшиб турган орзу-мақсадлар билан маъмур бўлган бўлса, яна бир жиҳатдан бу давр Бобур учун мағлубият, ҳасрат-надоматлар даври ҳам бўлди. Лекин шуниси ҳам борки, айни шу йилларда кечиргандари унга давлат ва сиёсат ишларини олиб боришда бемисл сабоқ бўлди. Бу тажриба унинг олдиндаги оловли йўллардан ўтишини осон қилди. Аста-секин ҳаловатли кунлар яқинлаша борди. Ана энди Бобур оддий инсон бўлиб, бесару сомонликда ўтган умрига назар сола бошлади.

Ахир у нафақат илм-фан, ақлу идрок згаси, балки соҳиби қалам ҳам эди. Ўз даврининг чигатой туркийда қалам сурган машҳури замон носири эди. Ҳаётсевар шоир эди. Ўзидан аввал ўтган ижодкорлар каби шеъриятни қадрловчи, олиму фузалолар сұхбатидан баҳра олувчи қалб згаси эди.

Бобур Кобулни згаллаган пайтда Хурросон шоҳи Ҳусайн Бойқаро вафот этган эди. У Бобурнинг амакиси бўлган. Бойқаронинг ўғиллари таҳт ворислари эди. Бобурнинг улар билан муносабати яхши эди. Улар Бобурни пойтаҳт Ҳиротга келишга ундалилар. 1506 йилнинг кузида Бобур Ҳиротга кириб боргач, бу водийнинг гўзаллигини кўриб, ҳайрон бўлиб қолади. Ундан-да кўпроқ у ёш ҳукмдорлар саройларининг салобати, ундаги ҳашам, дабдабани кўриб, таъсиранади. Биринчи бор ҳукмдорларнинг, шаҳзодаларнинг қандай умргузаронлик қилишига шоҳид бўлади. Бобур мирзо «Бобурнома»да Ҳиротдаги шоҳ саройларидаги базми жамшиidlар ва зиёфатларни қаламга олади. «(Менга берилган зиёфатдан сўнг) Абулмуҳсин мирзо вилоятига Марвга борди. Ибни Ҳусайн мирзо ҳам Тўн ва Қойинга борди. Бадиузвазмон ва Музаффар мирзо Ҳирига азимат қилдилар, икки-уч кундин кейинроқдин Чилдуҳтарон ва Тошработ йўли била мен ҳам Ҳирига мутаважюкиҳ бўлдим.

Барча бегимлар, Поянда Султонбегим, менинг аммам Ҳадичабегим, Офоқбегим, яна Султон Абусайд миরзонинг қизлари амма бегимлар барча Султон Ҳусайн мириzonинг

мадрасасида йигилдилар. Барча бегимлар мирзонинг мақбарасида эдиларким, бориб кўрдум. Аввал Поянда Султонбегим била юкунуб кўруштум, андин сўнг Офоқбеким била юкунмай кўруштум, андин кейин Хадичабегим била юкунуб кўруштум. Бир замон мунда ўлтуруб ҳофизлар қуръон ўқуғондин сўнг жанубий мадрасаким, Хадичабегимнинг уйини тикиб здилар бордук. Хадичабегимнинг ошини тортилар. Ош тортилғондин кейин Поянда Султонбекимнинг уйига бордим. Ул кеча анда бўлдим, аввал манга Боги Навда юрт тайин қилиб здилар. Тонгласи келиб Боги Навда туштум. Боги Навда бир кеча бўлдум, ани муносиб кўрмай Алишербекнинг уйларини тайин қилдилар. Ҳиридан чиққунча Алишербекнинг уйларида здим.

Ҳар икки-уч кунда бориб, Боги Жаҳонорода Бадиуззамон мирзога кўрунуш қиласи здим. Неча кундин сўнг Музаффар мирзо уйига чорлади, Музаффар мирзо Боги Сафидда ўлтурур зди. Хадичабегим ҳам анда зди, Жаҳонгир мирзо менинг била борди, Хадичабегим қошида ош ва таом тортилгандин кейин Музаффар мирзо бизни Бобир мирзо солғон Тарабхона отлиқ иморатқа олиб борди.

Тарабхона боғчанинг ўртасида воқиъ бўлибтур, икки ошёналиқ, vale ширингина имораттур, юқориги ошёнида такаллуф қилибтурлар. Бу тасвирларни Султон Абусаид мирзо буюргондур. Шимолий сарига шаҳнишинда икки тўшак солдилар, бир-бирига рўбарў, бир тўшакда Музаффар мирзо ва мен ўлтурдук, яна бир тўшакда Султон Масъуд мирзо ва Жаҳонгир мирзо ўлтурдилар. Музаффар мирzonинг уйида чун меҳмон здук, мени Музаффар мирзо ўзидин юққори олди.

Мажлис қизикти, чогирлар бошқа чиқти, бу хаёlda эдиларким манга ичиргайлар, мен агарчи бу чоққача нашъя бўлгунча чогир иртикоғ қилмайдур здим, мастилик ва сархушлиқ кайфияти ва ҳолатини камоҳаққуҳу билмайдур здим. Хотирга кечтиким, чун мунча таклиф қиладурлар, яна Ҳиридек ороста шаҳрига келиб турбизким, ҳоло ич-

масам қачон ичармен деб, ичмакка азм қилдим ва бу во-  
дийни тай қилмоқни жазм қилдим.

Вале хотирига кечтиким, Бадиuzzамон мирзо оғадур,  
анинг илигидин ва анинг уйида ичмай, инисининг илигидин  
ва инисининг уйида ичсам, хотирига нима келгай деб, бу  
тараддудимни айттим. Бу узрумни маъқул деб, бу сұхбатта  
чоғир таклифи қилмадилар. Муқаррар андоқ бўлдиким,  
Бадиuzzамон мирзо била Музаффар мирзо бир ерда  
бўлғонда иккала мираннинг таклифи била ичилгай.

Мажлисда нағма аҳлидин Ҳофиз Ҳожи эди, Жало-  
лидин Маҳмуд нойи эди. Ғулом Шодининг иниси Шоди  
бача эди. Чанг чолур эди, Ҳофиз Ҳожи хўб ўқур эди,  
Ҳири эли паст ва нозук ва ҳамвор ўқурлар. Жаҳонгир  
мираннинг бир хонандаси бор эди, Миржон отлиқ, Са-  
марқандий эди. Баланд ва дурушт ва ноҳамвор ўқур эди.  
Жаҳонгир мирзо кайфият маҳалда буюрдиким, ўқугай,  
ғарib, баланд ва дурушт ва бемаза ўкуди. Хурсон эли  
пурзарофат тирилур эл.

Намоз шомдин сўнг Тарабхонадин Музаффар мирзо  
солғон янги қишлоқи уйга келдук. Ушбу уйга келганда  
охир мастиғларда Юсуф Али кўкалдош қўпуб раққослик  
қилди. Музаффар мираннинг Катта Моҳ ва Кичик Моҳ  
отлиқ қуллари бор эди, мастиқ маҳалларда бир пора  
бемаза гарм-хўлуқлар қилдилар.

Кечгача гарм сұхбат эди, мажлис тарқади. Мен бу  
оқшом ушбу уйда-ўқ бўлдум. Манга чоғир таклифи қилур  
хабарини эшишиб, мираннинг йусунлуқ қаттиқ-  
қаттиқ айтиб, чоғир таклифини тамом бартараф  
қилибтурлар.

Бадиuzzамон мирзо Музаффар мираннинг меҳмон-  
дорлигини эшишиб, Боги Жаҳонорода Муқаввийхонада  
мажлис тартиб қилиб, мени тилади. Бизнинг баъзи ички-  
ларни ва йигитларни ҳам тиладилар, менинг  
ёвуқтагиларим менинг жиҳатимдан ича олмаслар эди.  
Агар ичарлари ҳам бўлса, бир ой-қирқ кунда зшик-элини  
боглаб юз дағдага била ичарлар эди. Агарчи мендин  
сұхбаттаги кишига рухсати ом бўлғон йусунлик бўлуб

эди, не жиҳаттинким, бу сұхбат ота-огамиздек кишининг сұхбати эди. Бу сұхбатта менинг олимга қоз кабоби қўйдилар, чун қуш бузмогини ва тўрғамогини қилғон эмас эрдим, илик элтмадим.

Бадиузвазмон мирзо дедиким, нега майл қилмассиз. Мен дедим, тўрғамоқтун ожиздурмен. Филҳол Бадиузвазмон менинг олимдаги қозни бузуб, тўргаб, олимда қўйор. Бадиузвазмон мирзо охир сұхбатта бир мурассасъ камар, ҳанжар, бир чоркаб, бир тупчоқ манға берди.

Йигирма кунким, Ҳирида эдим, ҳар кунда кўрмаган ерларни отланиб сайд қилур эдим» (13).

Гарчанд Бобур Ҳиротдаги шоҳлар зиёфатларида май нўш этишдан парҳез қилганини ёзган бўлса-да, аммо Бобурнинг биографи Лейн Пулнинг даъвосича, Бобур айни шу сафарида биринчи бор шароб таъмини тотган.

Нима бўлганда ҳам Бобурнинг ўзи ана шу кайфу сафоларда биринчи марта унинг қўнгли май ичишга рогиб бўлганини зътироф этган. Бу сафарнинг яна бир қизиқ жойи бор, у ҳам бўлса, Бобур мирзога қўнгил қўйган қиз воқеаси. Ҳолбуки, Бобур «Бобурнома»да бу ҳақда жуда муҳтасар, бироз тортиниб сўзлайди:

«Султон Аҳмад мирзонинг кичик қизи Маъсума Султонбегимни, онаси Ҳабиба Султонбегим бу фатаратлардин бурунроқ Ҳурросон олиб келгон экандур, бир кун мен окамни кўра келганда онаси била келиб, мени кўрди. Кўргач-ўқ менга хили майл пайдо бўлди. Маҳфий кишилар бориб, окам била янга била, Поянда Султонбегимни ока дер эдим, Ҳабиба Султонбегимни янга дер эдим, сўзлашиб андоқ муқаррар қилдимким, менинг кейинимча, янга қизини олиб Кобулга келгай» (14).

Асли Маъсума Бобур мирzonинг биринчи хотини Ойшанинг синглиси бўлган. Ойшадан Бобур бир қиз кўрган эди. Мен бу ҳақда юқорида айтган эдим. У сал ўтмай қазо қилган. Ойшанинг ўзи Бобурнинг қўнгилсиз бўлганидан изтироб чекиб, онасининг олдига, Самарқандга кетиб қолган эди. Хералд Лембнинг ёзишича, Маъсума Бобурга ошиқ бўлиб қолган. Ҳиротдаги учрашувлар қўнгилдаги

ишқ учқунини аланталатиб юборган. Кейинроқ ваъдага кўра Бобур уни никоҳига олган. У билан хурсандчилик-мамнуниятда кун кечирган. Аммо тақдир унга вафо қилмаган экан, бир қизни дунёга келтиргач, ҳаётдан кўз юмади. Қизча омон қолади. Бобур Маъсуманинг хотира-сига қизчага унинг исмини берди. Фарзандига доимо меҳру оқибатда бўлди.

Кўп ўтмай онасининг қистови туфайли амакиваччаси Зийнат Султонбекимга уйланади. Бу никоҳни ҳам худо кўп кўрган экан, бироз ўтмай чечак тошиб, Султонбеким дунёдан кўз юмади.

## ИШРАТ УЙИН ОБОД ҚИЛ

Бобур жуда довюрак, жасур инсон бўлган. Аммо хассос ва эҳтиросли ҳам эди. Даврон ғаму гуссасидан, тақдир зарбаларидан қаттиқ фарёд чеккан. Мана шу алам-ситамларда, шодмон кунларда шерик бўлгувчи маъшу қалари ва дўсту ёрларидан айри тушгани уни ўртайди. «Бобурнома»нинг жуда кўп жойларида шуни сезиш мумкинки, Бобур ўзини аксари ҳолларда жуда ғариб, мискин ҳис қилган. Ғам-андуҳ, тушкунлик кайфияти уни ич-ичидан ззарди. Кунлардан бир куни Бобур навбатдаги ҳарбий юришдан қайтгач, шу нарса маълум бўладики, унинг укаси Носир мирзо бошқа беклар билан тил бириклириб, алоҳида ҳокимият ўрнатмоқчи (Бу ҳаракат бостирилган). 1511 йилда Эрон шоҳи Исмоил Бобурни Самирқандни иккинчи марта босиб олишга ундалган. Оқибатда Шоҳ Исмоил билан иснод келтирадиган сулҳ тузишга тўгри келган, яъни Бобур суннийликдан воз ке-чиб, шиа мазҳабига ўтишга мажбур бўлган. Бундан Самирқанд ва Кобул водийсидаги минглаб маслакдош дўстлари дилабгор бўлганлар. Ундан кейин Бухоро яқинида душмани Шайбонийхоннинг жияни Убайдулла унинг қўшинларига зарба беради. У жуда ёмон аҳволда Кобулга қайтиб келади. Қиссадан ҳисса шуки, инсонни

чорасиз қилиб қўядиган бу ҳасратли воқеалар Бобурнинг ҳаётида туб бурилиш ясайди.

Бу даврга хос воқеалар «Бобурнома»да йўқ. Хералд Лемб «Тарихи Рашидий» ва бошқа манбаларга таяниб, шундай ёзади: «Бухорода душманга енгилиб, умидлари пучга чиқиб қайтиб келаётган Бобур келажаги ҳақида ҳам ўйламасди. Майхўрликка берилди. Жангда мағлуб бўлгани, Самарқандда аҳли мамлакатнинг ундан юз ўгириши, ўша бедин Сафавийга хушомадгўйлик қиласди, деган таъналар сабаб Бобурнинг ўзидан ҳам ихлоси қайтиб, ҳаётидан нафратлана бошлади» (15).

Энди Фарғона ё Самарқанд томон қадам босиб, у ерда ҳокимият ўrnагиш фикри Бобурнинг кўнглидан бутунлай узоқлашди. Ўз орзуларини амалга ошириш учун Шарққа - Ҳиндистонга юз бурди ва катта ҳарбий юришлар тадоригими кўра бошлади.

Иккинчи томондан, мағлубият, чорасизлик, хўрлик ҳиссидан қутулиш учун шеърхонлик, куй-қўшиқ билан йўғрилган зиёфатларни уюштирди. Ҳарбий юришлар пайтида ҳам шеър битди. Энди у енгилган қабила, златларнинг навжувон қизларини ўз ҳарамига келтира бошлади. Бу ўша 20-22 ёшигача аёллар ҳуснининг сиррисиноатидан ўзини олиб қочган Бобур эди.

Бобур учинчи бор Ҳиндистонга ҳамла қилганида Савод водийсига борди. У ерда Юсуф зайд қабиласини ўзига бўйсундирди. Роза айшу ишратда машғул бўлди. Муҳаррамнинг учинчи куни - ашура кунида ҳам май ичишдан тортинмади. Ёзади:

«Муҳаррам ойининг ўнида саир қила отланиб, Бажур қалъасига бориб, Ҳожа Калоннинг уйида шурб мажлиси бўлди. Кеча анда бўлуб, отланиб, ўрдуга келдим. Чандовал руди ёқасига туштук. Бажур била Чандовал орасидағи тоғни овладук. Бу тоғнинг буғу, марали қопқора ранглик бўладур. Ушбу кун яна бир сариқ қуш тушти, ул даги қора эди» (16).

Ўша кунги кундаликларида ёзилишича, ўша ерда бир супа қурдириб бўлганида Юсуф зайд ҳозир бўлади.

Бобурнинг саройида Афғон бегим исмли канизак бор эди. У Бобурга жуда суюкли эди. Асл исми Муборақа бўлиб, у патҳан қабиласидан эди. Унга Бобурнинг муҳаббати ҳақида гарб тарихчилари қизиқарли воқеани баён қиласидар. Воқеа шуки, Бобур қабиланинг сардори Малик Аҳмаддан қаттиқ норизо эди. Уни қатлга ҳукм этганди. Бир куни одатига кўра қабила бошлигининг ҳовлиси ён-атрофида қаландар қиёфасига кириб, айланниб юрган эди, унинг кўзи Муборака бегимга тушади. Унинг тенгсиз хуснини кўриб, ҳайратда қотади. Муборака бегим ўз ходимаси орқали дарвишга емиш жўнатади. Бобур уни сақлаб қўяди. Кейин патҳан гўзалига уйланиш мақсадида мактуб жўнатади. Бир неча рад жавобидан сўнг қабила бошлиги тўйга розилик беради. Катта дабдаба билан тўй ўтади. Тўйнинг биринчи тунидаёқ Муборака бегим зийраклик билан иш тутади - Юсуф зайд қабиласи сардорларининг гуноҳидан ўтишини сўрайди. Бобурнинг айни шу рафиқаси унинг вафотидан 9 йил кейин Шершоҳ ҳукмронлиги даврида Кобулдан Аграга келиб, зрининг жасадини яширинча Кобулга олиб кетиб, Боги Бобурга дафи этирган.

Вақт ўтган сайин Бобур кўнгилхушликка берилади. Майхўрликни одат қиласиди. Шеърларининг кўп жойларида шайх ва зоҳидларнинг зуҳд ва тақвоси, қолаверса, токнинг «қизи»дан маҳрумлигига ишора қилиб, ҳажва қиласиди. Бир базмда Бобурнинг дўстлари бир сўфийисифат кишига май ичирадилар. Мусулмон жамиятида ўрта асрларда, ундан кейин ҳам бирон мусулмон ҳукмдорининг ўз кундаликларида майхўрлик қилиб, кўнгил очганлигини ёзиши ўша давр учун хос эмасди. Лекин Бобур риёмунофиқликдан ҳазар қиласиди, бетакаллуф, тўгрисўзлик билан май ичганини ёзади:

«Неча кунким, анда эдук, ичар кунлари аксар ичилди ва ичмас кунлари маъжун сухбати эди. Ҳумоюн мийоддан кўп кейин қолгон жиҳатидин дурушт хатлар битиб, қаттиқ хитоблар йиборилди.

Якшанба куни сабуҳий қилилиб эдиким, Ҳумоюн келди.

Ўшул душанба оқшоми-ўқ кўчуб, Султонпур била Ҳожа Рустамнинг орасида солғон янги боққа тушулди.

Чаҳоршанба куни андин кўчуб, жолага кириб, Қўшгунбазгача чогир ичиб бориб, Қўшгунбаздин чиқиб, ўрдуга тушулди.

Жолада шеър айтур эл хейли бор эди. Мисли, Шайх Абул Важд ва Шайх Зайн ва Мулло Алихон ва Турдибек Ҳоксор, яна баъзилар ҳам бор эди. Суҳбатта Муҳаммад Солиҳнинг бу байти мазкур бўлдиким:

*Жое ки ту боши дигареро чи кунад кас,  
Маҳбуби ҳар ишвагареро чи кунад кас.*

(Таржимаси: Ноз-карашма қилгучининг муҳаббатини не қилсин киши,

Сен бўлган жойда ўзгани не қилсин киши).

Дедукким, бу гўшада айтсунлар. Таъби назми бор эл айтмоқ маҳомида бўлдилар. Чун Мулло Алихон била хейли мутояба қилилур эди, ҳазл тариқи била бу байт бадиҳада хотирга келди:

*Монанди ту мадҳушу кареро чи кунад кас,  
Ҳар говкуну мода ҳареро чи кунад кас.*

(Таржимаси: Сенга ўхашаш беҳуш карни

не қилсин киши,

Ҳўқиз монанд ва ургочи эшакни не қилсин киши).

Мундин бурун яхши ва ёмон, жид ва ҳазл ҳарне хотирга етса эди, мутояба тариқи била гоҳи манзум бўлур эди... Ҳазин кўнгулга мундоқ еттиким, ҳайф бўлгай ул тилдинким, мундоқ алфозни дарж қилғай, яна фикрини қабиҳ сўзларга ҳарж қилғай... Андин бери ҳажв ва ҳазл шеър ва назмидин торик ва тоиб эрдим». (17)

Ҳиндистонга тўртинчи марта ҳамла қилганида Бобур май ичишнинг ўзгача тусдаги йигинларини уюштиради. Бу пайтда Бобур ўз кузатишларини мунтазам қофозга тушираётган пайт эди. Ҳар бир йигинни тафсилоти билан қаламга олган. Шундан аниқ кўринадики, майхўрлик

қилганига қарамай у хушини йўқотар даражада бадмаст бўлган эмас:

«Якшанба куни эшик устидаги кичкина суратхонада сухбат эди бовужудким, торгина ҳужра эди, аҳли мажлис ўн олти киши эдилар.

Душанба куни ҳазон сайрига Исталифга борилди. Букун маъжун иртиқоб қилилиб эди. Бу кеча ёмгир бисёр ёғди. Менинг била келган беклар ва ичкilar аксар менинг чодиримғаким, Боги Калоннинг ичидатикилиб эди, кирдилар. Тонгласи ушбу богда чогир мажлиси бўлди. Оқшомгача ичилди. Сабоҳи сабуҳий қилдук. Mast бўлуб ухлаб, намоз пешин Исталифдан отланиб, йўлда маъжун ейилди. Намози дигар бўла Беҳзодийга келдук. Ҳазонлар асрุ хуб бўлуб эди. Ҳазон сайр асносида чогирға мойил ҳарифлар чогир ангизи қила бошладилар, бовужуди маъжун. Чун ҳазонлар асрุ хуб бўлуб эди, ҳазон бўлгон дараҳтларнинг тубида ўлтуруб, чогир ичилди.

Намози ҳуфтангача ўшул ерда-ўқ сухбат эди. Мулло Маҳмуд Халифа келди. Ани ҳам сухбатга чорладук. Абдулло хили mast эди, Халифа тарафидин бир сўз чиқти. Мулло Маҳмудтин гофил бу мисраъни ўқудуким:

*Бар ҳарки бингари баҳамин дод мубтал ast,  
(Кимга қарасанг, шу дардга мубталодир).*

Абдулло ҳазл тариқи била бу мисраъни ўқуғон жиҳатидин тааррузлар қилди. Абдулло воқиф бўлиб, изтироблар қилиб, хили ширин гуфту гўлар қилди.

Ойнинг ўн олтисида Боги Бинафшада маъжун еб, баъзи маҳсуслар била кемага кирилди. Ойнинг ўн секкинзидаги Турдибек Хоксорнинг коризига келдик. Турдибек хабар топиб, изтироб била югуриб чиқти. Турдибекнинг қаллошдиги маълум эди. Ўзум била юз шоҳрухий олиб бориб здим, Турдибекка бердим, дедимки, чогир ва асбоб тайёр қилғилким, Турдибек чогир учун Беҳзодий сари борди.

Бир пос бор эдиким, Турдибек бир кўза чогир келтурди. Турдибек чогирни келтурурда Муҳаммад Қосим барлос ва Шоҳзода воқиф бўлубтурлар. Мендин холи

зихн Турдибек сўнгича яёқ келдилар, сұхбатға чорладук. Турдибек дедиким, Ҳулҳул знаганинг армони борким, сизнинг била чоғир ичгай. Мен дедимким, сұхбатға ти-ланг. Шоҳи деган қаландар била яна бир коризлиқ рубобийни ҳам сұхбатға чорладук. Намози шомғача коризнинг орқасидағи баландида ўлтуруб ичилди. Андин сўнг Турдибекнинг уйига келиб, шамъ ёруғида кеч намоз хуфтанғача ичтим» (18).

Худди шу сафар, ва айниқса, Ҳиндистонда барсат, яъни ёмғир ойидек кишини сархуш қилиб қўювчи мавсумда майхўрлик қилишнинг бу кайфиятини бир тингланг:

«Бу уч-тўрт кунким бу боғда здук, бори ўрду эли ифрот била анор едилар. Душанба куни боғдин кўчтук. Буқун Гандамакка тушуб, тонгласи Жигдалик тушулди. Намози шомға яқин чоғир мажлиси бўлди, аксар ичкilar бор эдилар, охир сұхбатта Қосимбекнинг ҳоҳарзодаси Гадойи Муҳаммад хили шалойинлиқ қилди. Маст бўлғонда менинг ёнимдаги такяга таянди. Гадойи тогойи мажлисдин кўтариб чиқарди.

Офтоб ёйила Боги Бинафшаға бориб, ҳавз ёқасида ичилди. Туш бўла уйқулаб, намоз пешин яна ичилди. Ушбу намоз пешин сұхбатида Тенгрикулибек ва Маҳдигаким, мундин бурун сұхбатға чоғир берилмайдур эди, чоғир бердим» (19).

Ҳиндистонга қараб бостириб келаётган кунлардан бирида Бобурга ўғил кўрганлиги хабарини берадилар. Ҳиндистон нўмига боғлаб унга Ҳиндол деб исм беради. Шу муносабат билан у бир базм уюштиради. Ёзади: «Намози дигаргача арақ ичилди. Арақнинг бадхўрлиғидин мутанаффир бўлиб, бу юздагиларнинг иттифоқи била маъжун ихтиёр қилдук. Кеманинг ул ичидагилар маъжун еганимизни билмадилар, арақ ўқ ичтилар деб хаёл қилдилар. Кемадин намоз хуфтанда отланиб, кеч ўрдуға келдук. Муҳаммадий ва Гадойи била мени арақ ичадургон хаёл қилиб арақ кўзасининг от устида навбат била кўтаришиб, кириб келдилар. Сўнгра маълум қилдиларким, сұхбат ўзгача эмиш ва кайфият ўзгача. Жамиъ маъжуний

ва жамиъ чогирмаст. Чун ҳаргиз маъжун сұхбати била чогир сұхбати рост келмас, бисёр мунфаил бўлдилар. Мен дедимким, сұхбатни барҳам урманг, арақ ичарға кўнгулли киши арақ иссун, маъжун ерга кўнгулли киши маъжун есун. Оз фурсатда масти лояъкил қилдилар. Шалойинлик хили бўлди. Сұхбат bemaza bouldi» (20).

Бобур Кобулда ўзи ёқтирган кўҳистоний мусаллас учун тўқ қизил тоф жинсидан бир ҳовуз қурдиради. Ёз ойларининг сўлим кечаларида хонандаю созандаларни чорларди. Шу ҳовузнинг чеккасига Бобур бир байтни ёздиради:

*Нўј рузу нўј баҳору мэй дэлбарэ ҳўш аст,  
Бобур бэ эйш күш кэ олам дўборэ нист.*

Бу мазмундаги газал ва рубоийлар Бобурнинг девонида кўплаб учрайди. Форсий ва туркий шеърият анъана-лари ҳақида сўз юритиб, бу шеърият шоирлар ҳаётидаги ҳақиқий воқеликни акс эттирган, деб айтиш мушкул. Аммо Бобур ижодиёти ҳақида бундай иккиланишга ўрин йўқ. Шаробу шеър базмлари унинг романтик ҳаётидаги асосий ўринни эгаллаган эди.

Гулбаданбегим «Ҳумоюннома»да ёзишича, Панипатни олгандан кейин Аграга кириб келгач, Бобур Агра ва унинг чор-атрофида бир неча муҳташам иморатлар бунёд эттирган. Уларнинг орасида у Дхулпурда 7 қадам кенглигидаги мармардан қурдирган ҳовуз ҳам бор эди. Бобур уни шароб билан тўлдиришни буюрган. Аммо Рана Санга билан бўлган жангда у энди шаробни оғзига олмасликка онт ичган эди. Шунинг учун кейинчалик ҳовузни май ўрнига жавҳарлиму билан тўлдиради. У сабуҳий каби май-хўрларнинг кайфини тарқатар экан. Бунинг ўзига яраша хосияти ҳам бор экан. Гулбаданбегимнинг ёзишича, (бу нарса «Бобурнома»да ҳам бор) Канвоҳа жангига Бобур май ичишни тарқ қилади. Бошқа наша қилувчи моддаларни эмас. Гулбаданнинг ёзишича, Бобурнинг 47 ийлгина умр кўриб, жавонмарг бўлишининг асл сабаби ҳам юқоридаги «дори»ларни ҳаддан зиёд истеъмол қилгани

бўлган. Майпастлика ишора қилиб ёзган шеърларини бир эслайлик:

*Келди рамазону мен тақи бодапараст,  
Ийд ўлдию зикри май қилурмен пайваст,  
Не рўзаю не намоз ийллар, ойлар;  
Тун-кун маю маъжун била дебонаю маст.*

\*\*\*

*Озор ила неча гуфтук ю қилгайсиз?  
Озурда бўлурни жустужу қилгайсиз,  
Мунчаки, кўнгулларга етиши озор,  
Май бирла магарки шустушу қилгайсиз?*

Бобур 1529 йилда Кобулга кетган дўсти Ҳожа Ка-  
лонга бир мактуб йўллаб: «Тунги қўриқчим Абдуллога  
ёздим - тавба аталмиш яшил боқقا келиб ҳам кўнгил  
ташналик саҳросини қўмсаб беқарор бўлмоқда. Қитъа:

*Май таркини қилгали паришондурмен,  
Билмон қилур ишимнию ҳайрондурмен.  
Эл барча пушаймон бўлуро тавба қилур,  
Мен тавба қилибмену пушаймондурмен.*

Бу қитъа бир йил аввал ёзилган эди. Тавба  
қилганимдан сўнг икки йилгача май тортилган базмларга  
дил тортар эди. Худога шукурлар бўлсинким, бу йил бу  
ёмон хаёл кўнгилдан даф бўлди. Ҳойнаҳой, бу ҳазрат Ҳожа  
(Ахрор)га «Волидийя»ни назм қилганимнинг баракатидан-  
дир. Сен ҳам нега майни тарк этмайсан?» (21).

## ДУНЁВИЙ ВА ИНСОНӢ ҲУСН ШАЙДОСИ

Агар мендан Бобур мирзо шахсиятининг энг ёрқин  
ва яққол қўзга ташланадиган хусусияти нима деб сўраса-  
лар, унинг жавоби - битта. У ҳам бўлса, ҳусн-  
пастлиқдир. Ҳайратланарлиси шундаки, ҳуснга мойил  
бўлиш ҳисси унинг вужудида болалигидан ёши улғайгунга  
қадар унинг ҳақиқатгўйлиги бағрида ўсиб улғайди. Акса-

ри ҳолларда бундай бўлмайди. Айниқса, у яшаб, ижод этган XV-XVI асрларда.

Бу шундай давр эдики, тасаввуф, илоҳиёт ва диний тасаввурлар ҳар тарафдан шоирлар, умуман ижодкорларнинг фикрига соя солиб турарди. Шу тариқа ахлоқий чекланишлар инсоний ҳусн мойиллигига ҳам кўпинча манфий таъсир кўрсатарди. Бобур шу заминда ниш уриб, пайдо бўладиган фоний, аммо тенгсиз ҳусн мўъжизаларини наботот, ҳайвонот, инсон ва бошқа қиёфада ўз қўзи билан кўрди ва энтикли. Шунинг учун ҳам Бобур тасвирий санъат, адабиёт, шеърият, кўркам иморатлар ва хушманзара боғ-роғларнинг ҳусни-тароватига ошиқ бўлган.

Бундай ҳуснининг юз хил жилвасига Бобурнинг шайдолиги содда, жўн, бир ёқлама эмасди. Ҳақиқат шуки, табиат ва инсон ҳуснининг оддий кўринишлари ҳам унинг вужудида жуда нозик ва латиф ҳиссиёт ҳамда кайфиятни уйғотарди. Профессор Шакил ур-Раҳмон бир мақоласида Бобур мирзонинг кундаликлариға таянган ҳолда ҳаққоний ёзган эди: «Бобур табиатнинг кичик-кичик, мўъжаз ҳақиқатларини кенг кўрарди, мўъжазгина жилони кенг масштабда кўрарди ва ҳис эта оларди. Шу орқали бир ижодкор, санъаткор сифатида эстетик завқ олар, бундан кўнгли ором топарди. Баҳорда боғларга қарап, ҳар бир очилган гунчанинг шакли ва рангига назар соларди. Худо билсин, қанча-қанча рангларни тилга олади. Ҳазон пайти дарахтлар япрогига интилади, унинг яшил, сарик, қизғиши ранги билан сұхбат қуради...»

Дикқатни тортадиган нарса шуки, Бобурнинг баён қилиш услуби лол қолдиради кишини. Ҳуснни таърифлаганда унинг ҳиссиётлари ҳам турли рангда товланади. Бир дардли дил эгаси сифатида у чирой, ҳуснга назар солади. Ўт ичида қолган лашкаргоҳни кўриб, зимистон денгиз узра милт-милт қилаётгани юлдузларнинг акси тушиштандек, дейди. Энг қийин вазиятларда ҳам шоирона табиати уйғоқ, бедор турди. Бирон очилган гулни кўрса, ўз ташвишларини унутиб, унинг ҳуснини баён этишга тутинади» (22).

Табиатнинг мислсиз гўзалликларига Бобурнинг шайдолиги хусусида беҳисоб мисоллар бор. Фаргона водийси, Кобул водийси, Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий тоғли ерлари, икки дарё оралигидаги ям-яшил майдонлар, буларнинг бепарво ҳусни Бобурнинг тафаккурини беҳаловат қилади. Бир манзарага эътибор қиласайлик:

«Бу кентлардин қуи доманада тоғ била Борон суйининг оралиғида икки парча ҳамвор дашт воқиъ бўлибтур. Бирини Тозиён дерлар, яна бирини Даشت Шай. Бу доманада ранго-ранга ҳар навъ лола бўлур. Бир қатла санаттим, ўттуз икки-ўттуз уч навъ гайри муқаррар лола чиқти. Бир навъ лола бўлурким, андин андак қизил гул иди келур, лолаи гулбўй дер эдуқ».

«Боги сафо»нинг таъмири этилишини зшитинг:

«Андин эрта кўчуб, намози пешин Калдакаҳорга келиб туштук. Атроф ва навоҳида қалин ҳавидзор эди... Бу ҳамвор ернинг ўртасида бир улуг кўлдур, атрофдаги тоғлардин ёмғур сувлари йигилиб, бу кўл бўлубдур, гирдо гирди уч курўқға ёвушгай. Шимолида яхши ўланг воқиъ бўлибтур, гарбидаги тоғ доманасида чашмадур, бу чашма суви баландиларгаким, бу кўлга мушрифдур, ўлтурур учун қобил ер эди, бое солдим. Боги Сафога мавсум, хили хушҳаво ва босафо ер воқиъ бўлибдур» (23).

Бобурнинг талантли носир бўлганини яхши биламиз, аммо унинг воқеликнинг тасвир воситаларини бунчалик чуқур згаллагани кишини ҳайратга солади. У ўзи билган кишиларнинг қиёфасини бир неча сўздаёқ тасвиirlаб, асосий моҳиятини очиб берадики, бу ўқувчининг ёдидан чиқмай туради. Тасвир пайтида кишининг яхши томонларини ифода этиб туриб, шу билан бирга унинг камчиликларини ҳам ойнадек равшан тасвиirlайди, шу орқали объект ва воқеалар комплексининг яхлит картинасини яратса олган. Аниқ, ихчам жумлалар орқали жонли образни ўқувчи кўз олдида шакллантириб беради. Сайдим Али дарбоннинг вафоти хусусида ёзади:

«Ҳеч кимга онча риоят қилмайдур эдим, Жаҳонгир Мирзо Ғазнини ташлаб чиққанда Ғазнини Сайдимга бе-

рилиб эди. Ўзининг қайн иниси Дўст Ангу шайхни Ғазнига қўйуб, ўзи черикка келиб эди. Филвоқиъ Ҳисравшоҳ навкарларининг орасида бу икки кишидинким, Сайдим Али дарбон била Муҳиб Али қўрчи бўлғай, яхшироқ киши йўқ эди. Сайдим яхши ахлоқ ва атворлик киши эди. Қиличга мардона киши эди. Уйида бемажлис ва бесуҳбат эмас эди, хили саховати бор эди, ажаб кифоялиқ ва сомонлиқ киши эди, зарофат ва латофати рангин, ихтилот ва ҳикояти ширин хушхулқ ва ҳарроф ва ҳаззол киши эди, айби бу эдиким, гузаро фосиқ ва муғлим эди, мазҳабида инҳирофи бор экандур. Бир нима мунофиқ шевароқ эди. Баъзи нифоқини ҳазлга ҳамл қилурлар эди, vale бечизе эмас экандур. Бадиузвамон мирзо Ҳирини Шайбокқа олдуруб келганда, мирзо била Шоҳбекнинг орасида нифоқ омиз сўз айтқон учун ўлтуруб, Ҳирманд сўниقا ташлатур» (24).

Бобур мирзо мусиқа, мусаввирлик, меъморчилик санъати ва шеърсуханлик бобида таълим олмаган бўлсада, аммо худо унга юксак дид ва табъ ато этган эди. Кўрган-кечиргандари, қилган мутолаалари самарааси ўлароқ у ўзидағи бу худодод неъматларни парвариш қиласарди. Барча санъатлар, ҳатто аруз ва балогат илмида ҳам шундай салоҳиятта эга эдики, улар ҳақида ҳам ўз фикрмуюлаҳазаларини комил ишонч ва танқидий кўз билан баён этган. Ўзбек тарихчи олими И.Хошимов ёзади: «Бобур мусиқага оид ёзган китоби ҳозирги давр асарларидан ҳам мукаммалроқдир. Унинг ўзи ҳам куй басталаб туради» (25).

Ҳирот ҳукмдори Султон Ҳусайн мирзо Бойқаро саройига машҳур олимлар билан бирга ҳар соҳанинг билимдонлари жам бўлган эдилар. Бобур улардан айримлари ҳусусида самимий ва очиқласига ўз таассуротларини шундай баён этган:

«Бу жамъининг сарома ва сардафтари Мавлоно Абдураҳмон Жомий эди. Яна Шайхим Суҳайлий ва Ҳусайн Али Туфайлий жалойир эдиким, отлари сифатлари Султон Ҳусайн мирзонинг беклари ва ичкилари чарга-

сида мазкур ва мастур бўлди. Яна Осафий эди, вазирзода учун Осафий тахаллус қилибтур. Шеъри ранг ва маънидин холи эмастур. Агарчи ишқ за ҳолдин бебаҳрадур. Газалдин ўзга навъ шеър кам айтибтур. Мен Хуросон борганимда мулозамат қилиб эди.

Яна Биноий эди. Ҳириликтур, отаси устод Муҳаммад Сабз бинно учун мундоқ тахаллус қилибтур. Газалида ранг ва ҳол бордур, девон тартиб қилибтур, маснавийлари ҳам бор. Бурунлар мусиқийдан бехабар экандур, бу жиҳаттин Алишербек танъ қилур экандур. Бир йил мирзо Марвға қишлий боргандা - Алишербек ҳам борур. Ул киш мусиқий машқ қилур. Ёз мирзо Ҳири келганда савт ва нақш ўткарур. Алишербек таажоқуб қилиб таҳсин қилур. Мусиқийда тавр ишлар боғлабтур, ул жумладин бир нақши бор, нуҳрангга мавсум. Бу тўққуз рангнинг туганиши ва нақшнинг майлоси росттадур.

Алишербекка хили мутаарриз экан. Бу жиҳаттин хили жафолар торти. Охир тура олмай Ироқ ва Озарбайжонга Яъқуббек қошига борди. Яъқуббек қошида ёмон эмас эди. Яъқуббек ўлгандин сўнг ул вилоятларда турмай Ҳирига келди. Ҳануз зарофат ва тааррузи бор эди. Ул жумладин бири будирким бир кун шатранж маҷлисида Алишербек сёғини узатур. Биноийнинг {орқаси}га тегар, Алишербек мутояба била дерки, «Ажаб бир балодирки, Ҳиротда сёғингни узатсанг, шоирнинг орқасига тегади», Биноий дерким, «Йигсанг ҳам, шоирнинг орқасига тегади».

Яна Оҳий эди, газални тавре айтур эди, сўнгратлар Ибн Ҳусайн мирзо қошида бўлур эди, соҳиб девондору.

Яна Муҳаммад Солих эди, газаллари бор, Шайбонийхон қошига келиб эди, филжумла риоят қилиб эди. Агарчи ҳамворлиги чошнисича йўқтур, шеъри ҳам бор, ёмон айтмайдур. Шайбонийхоннинг отига бир туркий маснавий битибдур. «Рамали мусаддаси маҳбун» вазнинадур. Бисёр суст.

Яна, Шоҳ Ҳусайн Комий эди, мунинг шеърлари ҳам ёмон эмас, газалгўйдур, ғолибо девони ҳам бордур.

Яна Ҳилолий эди. Бир маснавийси бор, бисёр ҳаробтур. Бисёр қавий ҳофизаси эмиш, ўттуз-қирқ минг байт ёдида бор эмиш. Аруз ва қофия ва шеър илмиға хили мустаҳзардур.

Хушнавислардин агарчи киши хили бор эди, вале борининг саромади насх таълиқда. Султон Али Машҳадий эди, Мирзо учун, Алишербек учун қалин китобатлар қилди.

Мусаввирлардин Беҳзод ва Шоҳ Музаффар мусаввирлик ишини бисёр нозук қилди. Аҳли нағмадин қонунни Ҳожа Абдулло Марворийча киши чолмас эди.

Яна Кул Мұхаммад Удий эди, гижаккни ҳам хуб чолур эди. Аҳли нағмадин ва аҳли создин ҳеч ким мунча күп ва хуб пешрав боғлағон эмастур.

Яна Шайхий Ноий эди, удни ва гижаккни ҳам хуб сұхбатида бир ишни найдин хуб чиқарур, Кул Мұхаммад гижакта ул ишни чиқара олмас.

Яна Шоҳқулий гижакай эди, Ироқийдур. Ҳурасонга келиб, соз машқ қилиб, тараққый қилди.

Яна Ҳусайн Удий эди. Удни мазалик чолиб, мазалик нималар айтур эди. Айби бу здики, бисёр ноз била чолур эди. Шайбонийхон фаҳмлар. Буюруким, сұхбатда-үк гарданидан ууруллар» (26).

Бобур лирикасининг катта қисми ҳусн ва ишқ лавҳаларидан иборат. Унинг бир томонида висол онларидан шодмонлик ва ҳаяжон турса, иккинчи томонида маъшуқа васлиға эриша олмаган ошиқ юракнинг аламситамини кузатамиз. Буларнинг ҳар иккиси шоирнинг жүшқин ҳиссиётларининг күзгусидир. Юқорида айтиб ўтган эдик, аёллар ҳуснининг жозибаси, ғамзау адоларига мойиллик ҳисси Бобурда Кобулни фатҳ этгандан кейин туғилди. Май нўш этишнинг сирли лаззатларига ҳам худди ўша даврда ошно бўлган эди. Баъзан шундай туюладики, гўё Бобур шу икки машғулот орқали гариблик ва нотинч турмушидан қутилиш чорасини излаётгандай. Унинг саройида 96 канизак бўлган, деб ёзадилар. Буларнинг ора-

сида унинг рафиқаси бўлганлари ҳам бордир. Булар - Моҳим бегим, Зийнат бегим, Дилдор бегим ва Оғача бегим унинг суюкли хотинлари бўлган. Улар темурийлар наслидан эди. Айримлари қариндош ҳам эди. Аммо канизаклар кўпчиликни ташкил этарди. Муборака бегимни у росмана севган. Кейинчалик ҳарбий юришлар замонида ундан айрилиқ ҳисси Бобурни ҳамиша ўртаб турар, унинг ҳажрида ўтли мисралар битар эди.

Бобур гарчанд «Бобурнома»да аёллар ҳуснидан завқ олганини кам ёзган бўлса-да, баъзи маълумотлардан унинг Аграда 4 йил муқим бўлган чогида ҳам уни оҳанрабодек ўзига тортиб турганлигини кўриш мумкин.

Эрон шоҳи Тухмасп 1526 йили Бобурга Гулнор ва Норгул исмли икки сиймтан бокира қизларни тухфа қилиб жўнатади. Улар шоҳ саройида яшардилар ва Бобурнинг катта рафиқаси Моҳимнинг кўз-қулоқ бўлишига қарамай улардан бири тун кечалар Бобурга бир кўриниш бериб қўйишни ҳеч ёддан чиқармас эди.

Бобур ҳақиқатгўй, зукко ва узоқни кўзловчи бўлган, албатта. Аммо дўсту ёр ва хешу акраболарга шафқатли, бағрикенг эди. Шунингдек кўнгилга яқин маъшуқаларини жуда азиз ҳисоблар эди. Бобур муҳаббат риштасини маҳкам тутганлардан эди. Унинг лирикасида ҳам у тасвирлаган маҳбубалар вафоли, маънавий баркамол. Бобурнинг маъшуқаси нафақат ташқи кўриниши, балки ички дунёси билан унинг ишқини қозонган.

Бобурнинг юксак дид эгаси бўлганлигини унинг барча қилган ишларида ва ижодиётида ҳар қадамда кўриш мумкин. Шеъриятдаги каби насрда ҳам унинг ўз йўли бор эди. Ўз асарлари, айниқса, «Бобурнома» бошдан-охиригача услубига кўра бошқа насрый асарлардан бутунлай ажralиб туришидан ташқари тили жуда жонли, самимийдир, услуби оддий ва мардонадир. Гарчи Бобур уни турли вақтларда ёзган бўлса-да, Аграда муқим пайтида уни бир бор қайта кўздан кечирган бўлса-да, 18 йил мобайнида ёзилган бу мангу асарда содда ва мардона услугуб ҳар саҳифада кўзга ташланиб туради.

Юқорида келтирилган иқтибослардан сезган бўлсангиз, Бобур йирик санъаткор сифатида шеърий санъатлардан, ташбеҳ ва истиоралардан усталик билан фойдаланди. Зарурат туғилганда талмиҳни ишга солди. Даили айтиш мумкинки, унинг насрода шундай деталлар учрайдики, шеърлари каби китобхонни ҳайратга солади, завқ ўйғотади.

Бобурнинг катта ўғли Ҳумоюнга ёзган жавоб хати бадиий прозанинг деярли барча элементларини ўзида жамлаган бўлиб, катта аҳамиятга молик ҳисобланади. У ёзади: «Бу хатнинг маъносини чақиш учун анча бош қотирдим. Мужмаллик туфайли хатнинг маъноси аниқ эмас, бунинг асл сабаби - мусажоқа сўзлар. Бундан кейин сўзларни қўллаганда сохталик ва мулозаматдан парҳез қилишни одат қил. Неки демоқни истасанг, очик-ойдин ёз» (27).

500 йил аввал бадиий проза бобида айтилган бу фикр ҳали-ҳануз ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

## БОБУР ВА ГУРУ НАНАК

Сўфийлар ва дарвишларга Бобур умр бўйи зътиқод қилди. Воқеалар шундан гувоҳлик берадики, бу зътиқод юзаки эмас, балки сидқидилдан бўлган. У мусулмон фақирлар ва ҳинду жўғиларининг олдида бирдай бош эгарди. Яна шуниси ҳам борки, риёкор муллалар ва дин пешволарини фош қилувчи дадил сўзлар айтган. Гвалиор томонга саёҳат қила туриб, у ердаги ҳашаматли саройлар билан бирга тошни тарашлаб ясалган бутларни ҳам қизиқиш ва ҳайрат билан томоша қилган. Ҳуллас, зътиқод масаласида Бобур бағрикенглик билан бошқа динларга ҳам йўл берган, таассубга берилмаган.

1520 йилда Бобур тўртинчи бор Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмига юриш қилганида Панжобнинг Сайидпур (Иманобод) шаҳрига қўшин тортди. Маҳаллий ҳукмдорлар ва аҳоли ўзини мудофаа қила бошлади. Ам-

мо Бобурнинг аскарлари бир неча минг одамни қўлга олиб, уларнинг мол-мулкини талон-тарож қилди. Сикҳ адабиёти, хусусан, сакҳиларда ривоят қилинадики, тутиб олинганлар орасида Гуру Нанак ва унинг муршиди Мардона ҳам бор эди. Банди бўлганлар қўл тегирмонида буғдой янчишга ҳукм қилинди. Қарасалар, Гуру Нанакнинг тегирмони ўзи айланиб, ўзи буғдой янчиб беряпти. Бу кароматни кўриб, Бобурга хабар бердилар. Бобур авлиёларнинг руҳий кучига ишонарди, тан оларди. Унинг ўзи зиндан тараф борди ва кўрдики, Гуру Нанакнинг нурли чехрасида худонинг жилваси акс этяпти. Нақл қилишларича, у Гурунинг олдида тиз чўкиб, «Сиз нима буюрсангиз, шу бўлади», деган. Гуру барча зинданбларни озод қилишни, таланган молларни қайтариб беришни сўраган. Бобур Гуру Нанакнинг хоҳишини бажо келтириб, барча бандиларни қўйиб юборган ва мол-мулкини қайтарган.<sup>1</sup>

Панжоб адабиётининг таниқли олими, профессор О.О.Нур менга «Адигрантҳда «Бобур - асосчи» ибораси билан тўртта сўз учрайди. Гуру Нанак Бобурнинг Ҳиндистонга ҳамласи, сипоҳийларининг талончиликлари ни қоралаган», деб айтди. Олимнинг хабар беришича, панжоб адабиётида биринчи марта Ҳиндистон сўзи кўлланган ва бу сўз панжобий тилида яратилган сиёсий шеърларнинг ҳам биринчи намунаси ҳисобланади. Қолаверса, буғдой янчиш билан боғлиқ мўъжизага келсак, бу - одамларнинг Гуру Нанакка эътиқодининг тимсолидир. Аммо Протҳам Жанм Сакҳий ва баъзи тарихчиларнинг кўрсатма беришича, Бобур қўшин тортганида Гуру Нанак ҳам мавжуд бўлган ва банди қилинган. Лекин Бобур ва Гурунинг учрашуви ўз исботига эга эмас. Умуман бу турдаги ривоятларда оз бўлса-да, ҳақиқат борга ўхшайди. Бобур сўфий ва дарвишларга ҳурмат кўзи билан қарагани учун бу воқеа рост бўлса, ажаб эмас.

---

<sup>1</sup> Бу ҳақдаги батафсил маълумотни Хуршид Мустафо Ризвийнинг «Бобур» китобидан олиш мумкин.

# БОБУР ВА АЙОДҲӢА МАСЖИДИ

Айодҳӣада бузиб ташланган масжид билан боғлиқ низолар жуда чигал масаладир. Шу кунларда бу муаммо юзасидан жиноий иш қўзғатилган. Шу боис бу ҳақда бирон нарса дейиш ножойиз, албатта. Аммо яқин орада Бобурнинг «Бобурнома» ва у ҳақда ёзилган сон-саноқсиз мақолаларни ўргангач, уларга таянган ҳолда шуни ишонч билан айта оламанки, Бобур номини бу масжид ёки унга тааллуқли низолар билан боғлаш учун ҳеч қандай асос йўқ.

Рости шуки, Бобурнинг ҳолати ва кечирмишлари, феъл-авторио аъмолларини жиддий тадқиқ қилиган олимлар, хусусан, профессор Р.Натх, профессор Сушил Шри-вастав, профессор Ҳарбанс Мукҳия, профессор Мухиббул Ҳасан ва «Бобурнома»нинг таржимони Сусанна Беверижлар номи зикр қилинган масжиднинг Бобурнинг кўрсатмаси ёки фармони билан қурдирилганини бутунлай рад этадилар. Ҳозирги кунда яна бир ҳақиқат рўй-рост очилдики, ҳинду-мусулмоннинг бирлиги ва ҳамжиҳатлигини бузиш мақсадида инглиз ҳукмдорлари ва уларнинг кўрсатмаси билан бъязи тарихчилар нифоқ сошлиш ниятида бўлганлар.<sup>2</sup>

Масжиднинг ички қисмидаги ёзувларга кўра унинг қурилиши 935 ҳижрий йилида ниҳоясига етган. Уша йили биринчи жумодул аввал 935 ҳижрий йили билан Бобур мирзо ўз васиятига дастхат битган. Унда у вориси Ҳумоюнга мурожаат қилиб ёзган: «Сендан лозимки, диний таассубларни кўнгилдан итқитиб ташла. Ҳар мазҳабга инсоф доирасида муносабат қил. Сен айниқса, сигирни сўйишга чек қўй. Шунда сен аҳли ҳинд кўнглини забт эта оласан. Ана шунда раийат шоҳнинг кўрсатган эҳсонидан миннатдор бўлади. Ҳалқ давлат қонун-қоидаларига итоат қилса, у тавоғ қиласидиган эҳромлару ибодатхоналарни

<sup>2</sup> Батағсил маълумотни Шриваставнинг «Баҳсли масжид» асаридан олиш мумкин.

яқсон қилма. Адлу инсоф юзасидан шундай иш кўрки, шоҳ раийатдан, раийат шоҳдан рози юрсин» (28).

Ўз валиаҳдига шундай насиҳат қилгувчи шоҳ ўз амаллари билан ундан тойган бўлармиди? Бу Бабурнинг феъл-авторига хилоф-ку? Бобур ўз сафарномасида Ҳиндистонга қилган юришларини тафсилоти билан сўзлайди. Аграда муқим бўлган пайтларида (умрининг охирги тўрт йили мобайнида) ўз тузугини ёзишни давом эттиради. У ўз атрофидаги сарой аъёнлари, вазирлар хатти-харакати, ният-мақсадларини баён қилиб боради. Ҳудди ўша пайтда унинг номига атаб унга катта зъти mod кўйган ҳоким Мир Боқий бир масжид курдиради. Лекин бу ҳақда Бобур тузукда бир оғиз сўз айтмаган. Бу жуда ҳайратомуз воқеадир. Канвоҳа забт этилгандан сўнг Бобур ўз амирлари, вазирлари, айниқса унга зътиқод ва ихлос билан «ғозий» унвонини берган кишилар номларини ифтихор билан тузукда тилга олади (Айтишларича, масжид Канвоҳанинг фатҳ этилиши муносабати билан қурилган). Унда нега Бобур бу ҳақда бир сўз демаган? Инсоф билан айтганда, бу масжиднинг қурилишига унинг ҳеч қандай дахли бўлмаган.

Бир нарсани Ҳиндистонда жуда кам одам билади. Марказий Осиёда қадим замонлардан бери бунёд этилган масжидлар, айниқса, Бухоро ва Самарқандай кўхна шаҳарлардаги масжидларнинг ташқи дарвозаларининг икки томонида икки шернинг тасвири туширилган. Самарқандда машҳур сўфий, Бобур кўп таърифлаган Ҳожа Аҳрор Валий мозори атрофида қурилган салобатли масжид ва мадраса борки, унинг маҳобатли дарвозаларининг тавақаларида югуриб кетаётган шерларнинг орасида қочиб бораётган кийикларнинг тасвирини ҳалигача кўриш мумкин (Ҳолбуки, жонли маҳлуқларнинг тасвирини тушириш шариатга хилофдир). Аслида бу Марказий Осиё ҳалқлари маданиятига Эроннинг кучли таъсири натижасидир. Эрон маданиятига кўра шер куч-кудрат тимсоли ҳисобланади. Шунинг учун шиа бўлган Мир Боқий масжиднинг дарвозасини шер сурати билан безаттирган. Шу-

ни ҳам ёдда тутиш керакки, Бобур - бабарнинг ҳам маъноси шер демакдир. Шу тариқа бу масжиднинг номи Бабари масжид номи билан танилиб кетди. Бундай қараганда, Марказий Осиёда ҳам масжидларга киши но-мини бериш урф эмас. Бунда бирон-бир истисно ҳолати бўлган бўлиши мумкин. Тошкентдаги бир катта масжид Тиллашайх номи билан машҳурдир. Тошкент давлат университетига яқин жойлашган Мирзо Голиб кўчасида қурилган мадраса ва масжидга ҳам Мирзо Голиб номи берилди.

Жон Ледан ва бошқа инглиз тарихчиларининг ёзи-шича, Бобурнинг Айодҳайага борганига ишора қилувчи биронта тарихий далил ёки исбот йўқ. Унинг фақат Авадҳдан оқиб ўтадиган Ғангҳаранди соҳилларигача етиб боргани ҳақида маълумотлар учрайди. «Бобурно-ма»нинг таржимони Сусанна Бевериж хоним бу янгиш фикрнинг асоссиз эканини исбот қилишга уринган.

Қисқаси, тарихий фактлар шундан гувоҳлик беради-ки, Айодҳайада бузиб ташланган масжид билан шаҳаншоҳ Бобур ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ.

## ҲИНДИСТОН ТИЛЛАРИГА МУҲАББАТ

Бобур Мирзонинг Ҳиндистонга юриши унинг 1526 йилда Панипатни фатҳ этганидан кейинги 5-б ўйлар билан чегараланиб қолмайди, балки 1505 йилдан кейин у муттасил Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий туманларига қўшин тортди. Панжоб ва Синдҳнинг жуда кўп тогли ерлари ва пасттекисликларида вақт ўтказар эди. Бу ҳақда у «Бобурнома»да батағсил ёзган. Шу боис ҳиндларнинг расм-руссумлари, маданияти ва тиллари ҳақидаги маълумоти ортиб борди. Бобурда ўқиб-ўрганиш, изланишга тугма салоҳият кучли эди ва янги шарт-шароит, янги нарсалар ва ҳолатни кўриб, нафақат болалардек ҳайратда қоларди, балки улардан беҳад завқланар эди. «Бобурно-

ма»да бу ҳақиқатга гувоҳлик бергувчи сон-саноқсиз далиллар бор.

Шогирдларимдан бири доктор Ансориддин икки йил аввал кандидатлик мавзуси учун «Бобурнома»ни танлади. У туркийдан ташқари урду тилининг ҳам нуфузли олимларидан. Ансориддин яқинда чоп этилган мақоласида шундай ёзади: «Кузатишларимиз натижасида «Бобурнома»да 412 та урду, ҳиндий, ёки бир сўз билан айтганда, ҳиндча сўзлар борлигини аниқладик. Уларни 7 туркумга ажратса бўлади, булар ҳайвонларнинг номлари, улар 26 та. Ўсимлик номлари, улар 39 тани ташкил этади. Вазн ва ўлчов номлари - 19 та. Фасл ва ҳафта номлари, улар ҳам 19 та. Жўғрофий номлар, улар 206 тани ташкил этди. Шахс номлари - 65 та» (29).

Мазкур 412 атама «Бобурнома»да 2376 марта учрайди. Доктор Ансориддин ҳар бир атаманинг неча марта қўлланганини ҳам кўрсатиб ўтган.<sup>1</sup>

Бобур агар шунча ҳиндча сўзларни зарурат туфайли «Бобурнома»да қўллаган бўлса, бу - кейинчалик ҳам у кўплаб сўзларни ўрганган ва қўллаган демакдир. Уларни ёзувда бўлмаса-да, сухбат чогида ишлатган. Бунга шоҳидлар ҳам бор - Бобур жўги Балнатҳ ва бошқа жўгилар билан ҳам тез-тез кўришиб турарди. Бундан ташқари у бир неча ташкилий ишлар ва амалларга маҳаллий ҳиндулар ва мусулмонларни жалб қилган эди. Бу ҳақда «Бобурнома»да кўп ёзилган. Бобурнинг ҳиндистонлик амалдорлар ва ҳокимлар билан кўп мулоқотда бўлганлиги табиий.

Мамлакатда ҳукм сураётган ҳинд тилларига Бобурнинг қизиқканлигини унинг урду, бошқача айтганда, ҳиндустанийда шеър битганидан билсак, ажабмас. Шеър унинг ўзи тузган девонидан жой олган.

<sup>1</sup> Мақоланинг қўлёзма нусхаси чоп этилиш арафасида

# БОБУРНИНГ УРДУ ТИЛИДА БИТГАН ШЕЪРИ

Рампурдаги Ризо кутубхонасида Девони Бобурнинг қадимий нусхаси сақланади. Уни Бобур ҳётининг охирги дамларида ўзи тузган эди. Ёзилган: «Девони ҳинд, душанба куни, 15-рабиул охир 535 ҳижрийда тугатдим». Демак, девон 1528 йилнинг 28 декабрида ёзиб тугатилган.

Бобуршунос Денисон Росс 1910 йилда ушбу девон нусхасига сўзбоши ёзиб, Калькуттадаги «Эйшиатик Сосайти»да нашр эттирган. Кейинчалик худди шу нусхани профессор Сабоҳат Азимжонова ўз кириш сўзи билан Тошкентда чоп эттирган. Бу нусханинг зътиборга молик жиҳати шундаки, у Шоҳжаҳон кутубхонасининг дурданаси бўлган. Таржимадан сўнг туркийдаги рубоийнинг икки мисраси Бобурнинг ўз қўли билан ёзиб қўйилган. Пастда эса Жаҳонгир ўғли Шоҳжаҳон қуйидаги мисраларни битган:

*Ин рубоийэ туркийу исмэ муборак бэ<sup>1</sup>  
тэдқикэ ҳаттэ онҳазрат.  
Фирдавс маконий Бабур подшоҳи гози  
анораллоҳ бэраҳонэ аст.*

Бу ёзувнинг тагида Шоҳжаҳоннинг дастхати ҳам бор. Тузувчи Денисон Росс сўз бошида ёzáди: «Бир нарсага дикқатингизни жалб этишни истайман. 16-саҳифадаги шеър ашъорлар ичидаги энг ўзгачасидир. Унда бир мисрада урду ва туркийнинг ажаб бирлашувини кўриш мумкин» (30). Шеър қўйидагича:

*Мужжқо на ҳуа кучҳ ҳавасе мунак о моти,  
Фақро аҳлига бас бўлгуси пани о роти.  
Таржимаси: Менга на ёқуту марварид ҳавасдур,  
Ки факир учун сув ва нон басдур.*

Шеърнинг тахминан бир ярим мисраси урду тилида ва ярмига яқини чигатой туркийда битилган.

Шеърнинг Бобур қаламига мансуб эканлигига ҳеч шубҳа йўқ. Мўтабар манбалар бунга гувоҳлик беради. Айни пайтда Ҳиндистоннинг шу тилига Бобурнинг бениҳоя қизиққанлигининг яққол исботидир.

## БОБУР ШЕЪРИЯТИ

Бобур ўз таржимаи ҳолини 1494 йилда таҳтнашин бўлганидан кейин қаламга ола бошлади ва 1530 йилгача, вағотигача давом эттиргди. Бу давр 36 йилни ўз ичига олади. Аммо «Бобурнома»да ёзилганлар фақат 18 йиллик умр ва фаолиятдан сўзлайди, яъни таҳтга ўтиргандан сўнгги ҳётининг ярим қисмигина ёритилган. Ҳиндистон ва чет эл манбаларига кўра асардан муайян давр ҳақидаги саҳифалар йўқолган бўлса, ўша пайтда Бобур тузук ёзмаган, дегани эмас, балки ўша давр воқеалари ёритилган матн сақланиб қолмаган.

Доктор Ансориддин мақоласида ёзади: «Бобурнома»нинг асл (тўлиқ) кўлёзма нусхасини сўнгги бор XVII асрнинг бошларида Шоҳкаҳон кутубхонасида «Подшонома»нинг муаллифи кўрган эди. Шундан сўнг у ҳақда бирон жойда зикр қилинган эмас ва ҳеч қаерда топилмаган» (31).

Бобур 1501 йилда Кобулни фатҳ этишига яқин «Хатти Бобурий»ни иҳтиро қилгач, шу хатда у Қуръони Каrimни тўлиқ кўчириб, бир нусхасини Маккага жўнатади. Бу ҳақда ҳам тахминан 450 йил мобайнида ҳеч кимга маълум бўлмаган. Лекин яқинда Машҳаддаги Ризо кутубхонасидан шу нусха топилди. Шунга ўхшаб бобуршунослар «Бобурнома»нинг асл нусхаси бирон жойда, албатта, топилишига катта умид билан қарайдилар.

Бобур 14-15 ёшидан форсий ва чигатой туркийда шеър ёза бошлаган. Бу ҳақда «Бобурнома»да батафсил айтилган. Замон нотинч, алғов-далғовли йиллар бўлгани боис Бобур ҳукмдор бўлса-да, кўчманчилардек ҳаёт ке-чиради. Балки шунинг учун ҳам ўша даврда битган шеърлари сақланмай қолгандир. Кейинчалик ҳам Бобур ўз шеърларини радифига қараб девон шаклига келтириш-

га жиддий киришмади. Форсийдаги шеърларига келсак, «Бобурнома»дан ташқари «Акбарнома», «Базми Тимурийя» ва бошқа тазкираларда баъзи газал ва рубоийларини учратиш мумкин. Рампурдаги «Девони Бобур»да ҳам форсий рубоийлар бор. Лекин шеър санъати, фасоҳат ва илми аруз ҳақидаги қараашлари, устозлари ва замондошлиари асарларини катта қизиқиш ва қунт билан мутолаа қилганига зътибор берсак, ижодий иzlанишларининг асл сабаби шеър ижод қилиш бўлган, деб хулоса қилсак, ҳатто қилмаган бўламиз.

Баъзан илҳом келиб қолса, сўз бобидаги санъатини намойиш қиларди. Бобур ёзади: «Мен арузга доир мақола ёзгач, 16 фут узунликда шеър ёздим».

Рампур нусхасида шундай рубоий бор:

*Дар ҳавоий э нафс гўмроҳ э ўмр зой э кардзэм,  
Пиш э аҳлэ оллоҳ аз афъолэ ҳўд шармандзэм.  
Йэк назар бо муҳлисонэ ҳастэ дэл фарма кэ мо,  
Хожзгиро мондзэм эй хожзгиро бандзэм.*

«Бобурнома»нинг таржимони Сусанна Бевериж хотим таржима қилган охирги иловада ёзишича, шу мазмундаги Бобурнинг бир рубоийси «Акбарнома»га ҳам кўчирилган. Худди шу тариқа форсий шеърларига мавзудош шеърлар бироз фарқи бўлган ҳолда унинг туркийдаги шеърлари орасида ҳам учрайди. Бир-икки форсий шеърларни кўрсак:

*Эй моҳ шамэ Васлэ тўй субдэз саодат аст,  
Рузэ жудайэ тўй Валэ шамэ меҳнат аст.*

*Хали кэ додзи бэрўхэ лолэ гўнэ ҳэш,  
Бўржонэ бэдэлонэ тўй он дагэз ҳасрат аст.*

*Гар рихт ёр ҳунэ ту зэндор дам мазан,  
Хўш бош Бобуро кэ ҳамин дам ганимат аст  
Ҳич кас чун ман ҳаробу шэқў расво мабод,  
Ҳич мэҳбубэ чу тўй бираҳм бипарво мабод.*

Ҳожа Калон Бобурга катта зътимод қўйғанлардан эди. Уни Бобур Бажурга ҳоким қилиб жўнатган эди. Аммо айрилиқдан ўзи яна ранжиди. Шунда у қўйидаги шеърни битиб жўнатди:

*Қарору аҳд бэ ёро ин чэнин на буд маро,  
Гээид ҳажру маро кард биқарар охэр.  
Бэ зишвэҳойз замонэ чэ чорэ созад кас  
Бэжур кард жудо ёр ро зиёр охэр.*

Китобимизнинг таржима қисмида ҳурматли ўқувчиларимиз форсийда битилган шеърларга маънодош бир неча газал ва рубоийларни учратишилари мумкин.

Аслида шўролар даврида шоҳ Бобур ва бошқа Марказий Осиё ҳукмдорлари ҳаёти ва уларнинг буюк ишларига доир илмий-тадқиқот ишлари жуда кеч бошланди. Бу кечикиш ёки тадқиқотларга қўйилган тўсиқлар орқасида баъзи ғоявий ва сиёсий сабаблар ҳам бор эди-ки, улар хақида тўхталишнинг ҳожати йўқ.

Гап шундаки, Амир Темур ва Улуғбек каби Бобур мирзо ҳам ўзбек халқининг дилини забт этган ҳукмдорлардан. Бунинг сабаби, унинг жанг майдонида қўрқмас суворий ва жаҳоншумул шуҳрат эгаси бўлгани эмас. Асло. Балки бир инсон ва илму фанни қадрловчи сифатида ҳам унинг шахсиятида ғайриоддий улугворлик ва айни пайтда жозиба бор эди. Илму фан соҳасида ёки маҳобатли иморатлар, хушманзара бօғ-роғлар барпо этишда неки буюк ишлар кўрсатган бўлса, у бутун дунё маданий меросига қўшилган катта ҳисса бўлди. Улардан аввал ўтган Мусо ал-Хоразмий, ал-Беруний, Ином Бухорий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Ином Термизий, ал-Фарғоний ва бошқа илму фан акобирлари Марказий Осиё сарзаминида дунёга келиб, шу ер номини бутун оламга машҳур ва маъруф қилдилар.

Бобур мирзонинг табиатида аввал бошиданоқ романтик ҳис-туйғулар парвариш топган эди. Балки шулар туфайли унинг шахсияти бошқаларга нисбатан кўпроқ дилбар ва жозибадор туюлар.

Бобурнинг чигатой туркийда ёзган шеърларига келсак, уларнинг ҳажми катта эмас. 1982 йилда ўзбек олим Сайдбек Ҳасанов «Шарқ классиклари меросидан» туркуми остида Бобур мирзонинг шеърларини тўплаб, «Бобур шеъриятидан» китобини чоп эттирди. Унда ҳаммаси бўлиб 118 ғазал, 98 рубоий, 19 қитъа, 53 муаммо, 53 фард ва бошқа шеърлар мавжуд. Рампурдаги қўлёзма нусханинг Ҳожа Аҳрор Валийга бағишлиган қисмида манзум таржимадан ташқари 41 байтдан иборат бир маснавий, иккинчи қисмида бир ғазал ва турли мухтасар шеърлар, учинчи қисмида 18 байтли маснавийга ўхшаш шеър бор. Айтишларича, Бобурнинг ҳудди шунга ўхшаш шеърларининг қўлёзма нусхаси Истамбул университети кутубхонасида сакланади.

Ўзбекистонда Бобур мирzonинг шеърий меросини тадқиқ этган таникли олимлар ва танқидчилар Бобурнинг шеърий асари ҳажман кичик бўлса-да, аммо унинг ортида бир инсонпарвар, некбин, покиза қалб эгаси, гўзаллик ва хусн шайдоси, ҳаётсевар инсоннинг ёрқин сиймоси туради, деб фикр билдирадилар. Мен олимлар орасида Воҳид Зоҳидов, Содиқ Мирзаев, Сайдбек Ҳасанов ва Илёс Ҳошимовларнинг муборак номларини катта ҳурмат билан қайд этмоқчиман.

Воҳид Зоҳидов «Бобурнома»нинг сўз бошисида ёзади: «Бобур асарларида ўз замонасидан норозилик, тақдирга қарши аччиқ нолишлар баралла зшитилади. Бундай норозилик ва эътироzlар Бобур поэзиясига чукур фикр ва ижтимоий моҳият бағишлийди. Бунинг устига улар кишиларни ўша замонда мавжуд бўлган ижтимоий воқеликка нисбатан танқидий ва ҳушёр муносабат руҳида тарбиялашда ёрдам беради» (32).

Сайдбек Ҳасанов ёзади: «Гарчанд Бобур лирикаси ҳажман кичик бўлса-да, шаклан етуқ ва бадиий жиҳатдан баркамолдир. Унинг хос белгиси шуки, ҳар бир байт бирон тарихий ҳақиқат билан уйғундир, Бобур уни ниҳоятда равон ва жонли тасвирлайди. Унинг лирикасининг асосий мавзуси муҳаббат эканлиги шубҳасиз. Ҳижрон аламидан

шиква-шикоят, батамом ожиз қилиб қўювчи соғ муҳаббат, висол орзуси ва вафодорликни шиор қилган» (33).

Баъзи танқидчилар Бобур шеъриятининг лирик жиҳатларига ишора қилиб «Шоир шундай вазнда қалам сурганки, унинг бу мисраларига куй басталаш жуда осон»лигини таъкидлайдилар. Шуни ҳам ёзадиларки, Бобур ўзидан аввал ўтган Амир Ҳусрав, Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийлар яратган анъаналардан яхши воқиф бўлган.

Шоирнинг ўзи ўз шеърларига анъанавий девон шаклида тартиб бермаганини, бошқа ижодкор ҳукмдорлар каби заррин нақшлар ила безаб, дўст-ёрларига тухфа қилмаганига бир рубоийсида гувоҳлик беради:

*Девонима не рабту не тартиб дурур,  
Не жадвалу не лавҳу не тазҳиб дурур.  
Гар санга ийбордим ани, айб айламаким,  
Девонингни тиларга тақриб дурур.*

Шоирнинг фожеаси шундаки, Алишер Навоийга насиб этган тинчлик-хотиржамлик ва ҳаловат Бобурга мусасар бўлмади.

Катта туғма истеъоди, кучли эрудицияси ва ўзгаларга ўхшамас фикрлари жиҳатидан у Мир Алишер Навоийдан қолишмас эди. Бобур ўзи яшаётган жамият ва ундаги ҳолатларга қарши бош кўтарди, уларни қоралади. Ҳаёт машаққатлари ва турмуш уқубатлари хусусида ўй-фикрлари ва ғояларини асосли, чуқур англаган ҳолда баён этарди.

Бобурнинг таассуротлари ва кечинмалар дунёси ҳам жуда кенг ва қамровли эди. Ана шундан унинг дунё-қараши ва кечинмаларида жадаллик, журъат ва кескинлик мавжуд эди. Бир ҳақиқатдан бош тортиш мушкул - бошқа мумтоз шоирларга нисбатан Бобурдаги эстетик дид жуда нозик эди. Аммо минг афсуски, унинг шахсиятидаги бундай комил фазилатлар унинг шеърияти орқали бўлса-да, тўлиқ юзага чиқа олмади.

Шунга қарамай, биз эътибор бериб изласак, Бобурнинг шеърларида унинг реалистик қарашибарини ҳар жойда учратамиз. Бир неча рубоийлар фикримиз далили бўлсин:

*Май таркини қилгали паришондурмен,  
Билмон қилур ишимни ўайрондурмен.  
Эл барча пушаймон бўлуру тавба қилур,  
Мен тавба қилибмену пушаймондурмен.*

\*\*\*

*Ёд этмас эмиш кишини гурбатта киши,  
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатта киши,  
Кўнгалим бу гарибликда шод ўлмади, оҳ  
Гурбатта севунмас эрмиш, албатта, киши.*

\*\*\*

*Рұҳим яратиб эдинг латофат бирла,  
Қилдинг анга танин ҳамроҳ офат бирла.  
Рұҳимни чу тан үйига келтурдунг пок,  
Мундин бори элтма касофат бирла.*

\*\*\*

*Бесабрмену бесару сомондурмен,  
Бир гамзададурмену паришондурмен.  
Не диннинг ишин қилдими не дунёнинг,  
Ёраб, нетай ўз ишимга ўайрондурмен.*

\*\*\*

*Душманники, бу даҳр забардаст қилур,  
Наҳват майдин бир неча кун маст қилур.  
Ғам емаки, еткурса бошини кўкка,  
Охир яна ер киби они паст қилур.*

Шайху дин пешволарининг риёкорлиги ва муно-  
фиқлиги хусусида жуда кўп шоирлар мардана сатрлар  
битганлар, аммо Бобур ўз шеърлари орқали ўз норозили-  
гини жуда кескин ва газабли ифодалайди. Марказий  
Осиё ҳукмдорларига ҳукуматни, давлат ишларини юри-  
тишда шайх ва уламолар дахлдорлик қилганлар, бундан  
шоҳлар ҳам уларнинг таъсири остида бўлган. Лекин  
Улуғбек ва Бобур темурийлар наслининг шундай вакил-

ларики, улар диндорлар ва руҳонийларнинг бошқарув ишига дахл қилишларига изн бермаганлар, уларнинг мақсад ва интилишларига берилмаганлар. Ҳусусан Бобур уларни ҳурмат қилгани ҳолда саройга яқинлаштирумаган. Ҳожа Аҳрор Валийга бўлган эътиқодининг бош сабаби ҳам у шайхлардан кўра сўфийларнинг маслагини устун кўярди. Дарвишлар ва жўғилар билан учрашиш унга таскин ва хушнудлик бағишларди.

Бир-икки мисол келтирай:

*Зоҳидо, дўзах ўтидин мени некўркутасен,  
Ҳажр ўти қошида кўрмасмен они учқунча.*

*Улки давроннинг аёгидин дамо-дам қон ютар,  
Нашъа топмас гар ичар ҳар давр жоми Жам била.  
\*\*\**

*Жаннатул маъвони, эй зоҳид, нетай мен зорким,  
Истарам кўйидин ўзга манга маъбо бўлмаса.*

*Шайх шеърим манъ этар, етмай балогат лутфига,  
Найлагай, ё раб, киши бу пира ноболиг била.*

Бобур феодал жамият фарзанди бўлса-да, инсоннинг ҳур фикри, умуман, инсоний қадриятларни куйлади. Унинг очиқчасига май нўш этиши, ҳуснпаст эканлиги, юксак диди, дўсту аҳбоблар билан рақсу мусиқадан завқланиши, ҳаёт неъматларидан лаззатланиши, ўз асарларида очик-ойдин, рўй-рост қаламга олгани Бобур шеъриятининг ўқ томири - инсонни қадрлаш эканини билдиради.

Бир газалнинг бир неча байтларида бу машаққатли дунёни унутиб, эмин-эркин бўлишга чақиради. Матлаъга зътибор беринг:

*Хуш улким ёрдин қатъ айлабон, тарки диёр этса,  
Жаҳон кезмак ила бекайдлизни ихтиёр этса.  
Анингдек бўлсаким, асло тафовут бўлмаса пайдо,  
Агар бу даҳри дун ҳар айласа, гар зътибор этса.  
Жафодур жонга бўймоглив муқаййад олам аҳлига,  
Хуш ул озодаким, элнинг аросидин канор этса.*

Бобур, шоир Ҳайёмнинг «тириклик нашидасин сур, ҳаёт икки бор берилмайди» деган ғоясини маслак қилиб олди, Қобулга етгач, шунга амал қилди. Бунинг баъзи объектива ва субъектив сабаблари бор эди, албатта. Мен олдинги саҳифаларда бунга ишора қилган эдим. Ҳақиқий дунё, Ер юзидаги неъматлардан завқланиш Бобурнинг серқирра романтик шахсиятининг ажралмас қисмидир. Аҳвол аста-секин ўзгариб ёки яхшиланиб боргани сайин шахсиятидаги бу қирра ҳам очилиб борди:

*Ёз фасли, ёр Васли, дўстларнинг сұхбати,  
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти,  
Ёз фаслида чоғир ичмакнинг ўзга ҳоли бор,  
Кимга бу нашъа мұяссар бўлса, бордур давлати,  
Дўстларнинг сұхбатида не ҳуш ўлгай баҳси шеър,  
То билингай ҳар кишининг таъби бирла ҳолати.*

Рубоийси<sup>3</sup>да ёзганларига қарамай, шу ҳақиқатни ҳам тан олиш керакки, Бобур умрининг охирги дамларигача рўза, намоз фикрида бўлди, Рана Санга билан бўладиган жангдан аввал шароб ичмасликка қасд қилгани ва бу аҳдида событ тургани рост. Ҳолбуки, тавба қилганидан кейин икки йил мобайнида бошдан кўп азиятларни кечирди ва қуйидаги қитъани битди:

*Май маркини қилгали паришондурмен,  
Билмон қилур ишишнию ҳайрондурмен,  
Эл барча пушаймон бўлуру тавба қилур,  
Мен тавба қилибмену пушаймондурмен.*

Бундай қараганда Бобурнинг шахсиятида баъзи бир зиддиятлар учрайди. Улар туфайли характеристи икки томонламага ўхшайди. Аслида эса ундаи змас. Ижодий камолот ва ўз-ўзига ишонч згаси бўлган зотлар сўз ва амалнинг мураккаб чалкаш гирдобида бўладилар, айни шу чалкашлик уларнинг кайфияти ва ҳолатида бош кўтаратидиган баъзи бир-бирига зид хусусиятларни муайян

<sup>3</sup> Китобнинг 53-бетида берилган биринчи рубоний назарда тутилмоқда – Тарх..

босқич ёки айтарлик даражага етганда ўз-ўзидан ҳал қилиб ҳам қўяди. Бобурда ҳам худди шу кайфият хукм сурган. Албатта, шуни тан олиш керакки, юртни бошқариш тизгини ёки фармонраво бўлиш унга меросхўр сифатида тегди. У ҳам бўлса 11-12 ёшида. Менинг шахсий фикрим шундайки, бу фармонраволик Бобурнинг қаландарона, шоирона табиати билан уйгун эмасди. Лекин ҳаёти хавф остида қолиб, яқинлари ҳам душманлари сафидан жой олгач, Бобур ўспирин бўлишига қарамай буни даъват деб қабул қилди. Ирода кучи ва табиатидаги мардонаворлик, журъат туфайли ғанимлардан ўстун келди. Галаба ва маглубиятга тақдирнинг ўйини деб қаради. Ҳарбий юришлар, жанг жадаллар авж олган замонда қилич ўйнатиб, куч ишлатишдан бошқа йўл билан у ўз орзуларини амалга ошира олмаслигини англаган. Бобур Намруд ўтига ўзини отди-ю, аммо умр бўйи уни гулу гулзорга айлантириш пайида ўтди. Ҳукмдор ва лашкарбоши сифатида баъзи ҳарбий юришларда шундай чоратадбирларни қўлладики, булар унинг шафқатли, покиза, олижаноб қалбига мувофиқ келмас эди. Мамлакатни барбод, элни талон-тарож қилиш, қатлу форат - булар ўзига хос террор эди. У ҳокимиятни мустаҳкам қилиш, қолаверса, юртда тартиб ўрнатиш учун зарурий деб ҳисобланарди (Ҳозирги давримизда ҳам баъзи ривожланган демократик давлатларда бу ҳолатни кузатиш мумкин) Буларнинг барини Бобур ҳукмрон ва саркарда бўлгани учун шароит тақозоси билан қилди. Аминманки, бундай истилолари учун унинг раҳмидил ва покиза қалби бир эмас, бир неча бор унга таъна тошини отган.

Бобурнинг шеърияти ҳақида сўзлай туриб, форсий ва туркий ўзбек шеъриятидаги мумтоз нозик ўхшатишлар ва нафис оҳанглар орқали Бобур таъсирчан мисралар яратганини айтиш лозим. Лекин баъзан шундай туюладики, туркий бўлгани, хусусан, Чингиз ва Темур каби саркардларнинг авлодидан бўлгани учунми, у ҳарбга оид сўзларга кенг йўл беради. Бу ўз маҳбубаси ёки ишқий

лавҳаларни тасвирлаганда, айниқса юқоридаги байтлардан яққол сезилади.

Бобур ишқ ва муҳаббат майдонида ҳам ғолибдир, у бундан фахр ҳиссини туйган. Хоҳ бу ғалаба Фаргона во-дийси, ёки Самарқанд замини билан боғлиқ бўлсин, хоҳ Афғонистонда бўлсин. Барибир, унинг шеъриятида маъшуқа васидан маҳрумлик, ошиқ юракнинг алам-ситамлари катта дард ва ҳасрат билан баён этилади, яъни ҳижрон азоблари лавҳалари расмий ва юзаки эмас, шо-ирнинг ўз ҳолати ва кечирмишларини намоён этади:

*Манга осон дурур бўлса агар юз минг туман*

*душман,*

*Воле бўлмоқ жаҳонда, эй кўнгул, беёр мушкилдур.*

\*\*\*

*Юзунгдин айру мен хор, эй азизим,*

*Киши гулдин айирмас хорларни.*

\*\*\*

*Қаро кечалардо кўзум ёритур,  
Ўшал шамъи шабҳои торим қани?*

Бобур ҳижрон азобида ўртанса-да, ҳақиқатни айтишдан тоймайди:

*Агарчи сенсизин сабр айламак, эй ёр, мушкилдур  
Сенинг бирла чиқишмоқлик даги бисёр мушкилдур.*

Чунки ҳижрон азоби Бобурга ёт эмас, у бу лавҳаларни хаёлида яратмаган. У ўсмирлигиданоқ Андижонга ҳоким бўлиб, ички душманлар ва босқинчилар дастидан ватанни, ўз уйини тарк этиб, бесару сомонлиқда умр кечиришига тўғри келди. Баъзан ойлаб-йиллаб ўрмонлару чангальзорларда яширин юрди. Кобул босиб олингач, салтанатда муҳофаза кучайган бўлса ҳам, осойишталик ва ҳаловат насиб этмади. Кейинчалик Ҳиндистонда ҳам ватанжудолик ҳаётини кечирди. Нифақат хешу ақраболари, балки кўнгилдан жой олган ердан йироқ бўлиш Бобурни эза бошлади. У кимни севган бўлса, эвазига улар ҳам муҳаббат ва вафо билан жавоб қайтарган эдилар. Шу важданми, ҳажр ва фироқ кечин-

малари Бобур шеъриятининг етакчи хусусияти ҳисобланади. Улар шоирнинг «толеи паст, баҳти уйқулик» эканини яққол акс эттириб туради.

Ғоявийлик ва бадиият нуқтаи назаридан қарасак, Бобурнинг шеърларида вазн жиҳатидан мусиқийлигидан ташқари (буни таржимада камдан-кам туйиш мумкин) сўзларнинг ўзаро мувофиқлиги кўп қўлланган. Ўзбекларда гурунгларда, давраларда, ўзаро муомалада сўз ўйини катта аҳамият касб этади. Ҳозир ҳам зийрак, ҳозиржавоб одамлар сұхбатга жон киритиш учун тагдор жумлалар, «коса тагида нимкоса» қабилидаги гапларни ишлатадилар. Эшичувлардан, албатта, бирон-бири гап тагига етиб қолиб, қойил ҳам қолади. Гап-гаштаклардаги бу анъана бардавом бўлишининг натижаси шуки, ҳозирги замон ўзбек шеъриятида ҳам зийном санъати сақланиб келмоқда.<sup>4</sup>

Бобур мирзонинг ҳаммаси бўлмаса ҳам кўпчилик газалларида бирон-бир шеърий санъат ёки мўъжаз бадиий лавҳа, албатта, мавжуд. Бир газалда у тажнисни ишга солса, бошқа газалда бошдан-охир лаффу нашрни қўллади. Қуйидаги газалга эътибор беринг:

*Хотинг била юзунгу кокулинг, эй жон,  
Бири бинафша, бири ёсуман, бири раён.  
Такаллум айларида тилию тишию лаби,  
Бири ақику, бири инжую бири маржон.  
Кўнгулни зору мени хору тани тор этган,  
Бири жафою бири гурбату бири ҳижрон.*

Газалдаги ҳар бир байтнинг биринчи мисрасида шундай уч нарсанинг номи зикр қилинадики, иккинчи мисрада юқоридаги нарсаларни тасвирловчи сўзлар тартиб билан келтирилганки, бундан байтнинг мазмундорлиги янада ошган. Албатта, бу ерда шоирнинг бироз сунъий бўлса-да, шу сўзларни айни шу ерда тўғри ва муносиб келгани учун ишлатгани билиниб туради. Аммо бошқа

<sup>4</sup> Муаллиф «20 аср ўзбек шеърияти» китобида бу ҳақда кўп мисоллар берган.

байтларда шундай сўзлар ва тажнислардан фойдалангани, уларда бундай зўрма-зўракилик ва сунъийлик сезилмайди, аксинча ҳиссиётлар жуда ўти, таъсирчан рух эгаллайди, масалан:

*Кўп жсафоу жавр кўрдум, эй қуёш, ҳажринг куни,  
Бошимиздин сояи сарви қодинг кам бўлмасун.*

\*\*\*

*Не осиг нолаю фарёд хоболуд баҳтимдин,  
Бу үнлар бирла чун қилмок, бедор мушкилдур.*

\*\*\*

*Очилди кўнгли, чу очтинг сочингни, Бобурнинг,  
Не айб агар деса дилбанду дилкушо сочинг.*

\*\*\*

*Бобур, ул гул жавр этар, агёрдин не яхшилиг?  
Гулнинг озори бу бўлса, Вах, не бўлгай ҳарнинг?*

\*\*\*

*Қон ёшимни ҳажрида, шеъримни васфида кўрунг,  
Ким бу янглиг дурру гавҳар, қайси баҳру кон берур.*

Ҳойнаҳой, ўқувчиларимиз биринчи байтдаги қуёш сўзига соя, иккинчи байтда хоболуд сўзига бедор, учинчи байтда паришон соchlарга кўнгилнинг очилиши, тўртинчи байтда гулга хор, яъни тикан, бешинчи байтда қон ёшлар ва ёр васфи учун ёзилган шеърга дуру гавҳар-ташбеҳий атама бўлиб келганини фаҳмлаган бўлсалар керак. Албатта, бундай мувофиқликни келтиришдан мақсад ўқувчини ҳайратга солиш эмас, балки байт мазмундорлигини оширишdir. Бундай шеърларни ўқувчи қанча ўқиса ҳам мутаассир бўлаверади.

Гарчи Бобурнинг тили 500 йил аввалги бўлса-да, ундаги сўз, иборалар, сўз ўйинлари, чиройли ташбеҳ ва тажнислар анъанавий шеърий услугуга яқин бўлса-да, шунга қарамай ҳозирги замон китобхони Бобур шеъриятидан роҳатланади, муганнийлар эса телевидение орқали, шунингдек, турфа хил давраларда ва кечаларда унинг ғазалларини куйладилар.

## ЭНДИ ИККИ ОГИЗ СЎЗ ТАРЖИМАМИЗ ҲАҚИДА

Бобур ижодий меросини таржима қилишни 1980 йилда Тошкентга учинчи бор меҳмон сифатида келганимда, ният қилган эдим. Аммо ундан 16 йил кейин Тошкентда энди ташкил этилган Ҳиндистон маданият марказига раҳбар бўлиб тайинланганимдан кейин ўзбек мумтоз шоирлари, хусусан, Бобурнинг шеъриятини ўрганиш ва таржима қилиш ишига киришдим.

Бу ишда менга собиқ толибам Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг урду тили ўқитувчиси, доцент Муҳайё Абдураҳмонова кўмакдош бўлди. У урду тилини мукаммал билади. Бугина эмас, шеърият, унинг нозик сирларини тушуниш ва тушунтириш салоҳиятига эга.

Таникли ўзбек шарқшунос олимлари марҳум Наби Муҳаммедов ва Раҳмонберди Муҳаммаджоновлар класик ўзбек ва урду шеъриятининг йирик тадқиқотчилари эди. Улар Мирзо Ғолиб, Файз, Сардар Жаъфарий ва бошқа кўплаб шоирларнинг шеърларини ўзбек тилига таржима қилишда жонбозлик кўрсатдилар. Доктор Муҳайё ҳам менинг илтимосимга йўқ демай, жуда кўп вақтини сарф қилди. Соатлаб ишлар эдик. Биз, энг аввало, Бобурнинг барча газал ва рубоийларини кўздан кечириб чиқиб, уларнинг орасидан таржима учун кўзлаганимизни ажратдик. Бобур газалларида байтлар сони кўп эмас, шундай бўлса-да, биз беш байтлиларини танлаб олдик. Таржима пайтида қуидагиларни зътиборга олдик:

Аввало шеър яхши бўлсин. Ўтли ва таъсирчан бўлсин.

Иккинчидан, шеърнинг сўзлари, айниқса, қофиядош сўзлари урдуда ҳам қўлланадиган араб ва форсий сўзлардан бўлсин.

Силлиқ ва равонгина таржима қилиш мумкин бўлсин.

Фикри ожизимча, шоирнинг ўзи мансуб бўлган давр шеърияти, унинг сўз бойлиги, тил хусусиятларини ҳисобга олинадиган бўлса, бирон шоирнинг бор шеърий меросини бошқа тилга мукаммал ва гўзал таржима қилиш мум-

кин эмас, шунинг учун ҳам шеърий асарни таржима қилиш ишида translatability, яъни шеърнинг таржима қилина олиш даражаси, таржимага «тушиши»га катта эътибор берилади.

Ҳар ҳолда биз таржима пайтида Бобурнинг ғазал ва рубоийларидағи кечинмалари, у яратган образларнинг бирон жиҳатини тушириб қолдирмай етказишига ҳаракат қилдик. Доктор Мұхайё ҳар ғазалнинг матлаъси ва қолган мисраларини қайта-қайта тушунтириб, кези келса, хиргойи қилиб, ғазалнинг рухи ва ҳар сўзнинг мағзини «чақиб» олишга чақиради. Агар ғазалдаги бирон тасвир чигалроқ ёки ноаниқроқ туюлса, доктор Мұхайё дарров аниқлик киритарди. Бу жараён анча қийин кечган бўлсада, аммо жуда катта самара берди. Шундан кейингина мен ҳар бир ғазал ва рубоий ёки қитъани манзум қилишга киришдим. Бошида бироз тушкунликка тушдим ҳам. Кўп таржималар йўққа чиқди. Ҳар бир ғазал ва таржимани қайта-қайта солиштириб кўрдим. Аста-секин шундай таржималар дунёга келдики, кўнглим таскин топа бошлади. Лекин қилинган таржималарни «силлиқлаш» иши давом этаверди.

Таржимада фақат икки ғазалнинг қофиясини ўзбек тилидаги қофиядан фарқли қилиб ўзгартиришга тўгри келди. Қолган барча ғазал ва рубоийларнинг қофия ва радиофлари сақлаб қолинди. Шунингдек, баъзи рубоийларни қитъа шаклига келтириш зарур бўлгани туфайли улардаги баъзи қофиядош сўзлар ўзгартирилди.

Бобур мирзо шеърий меросининг гоявий-бадиий комиллигини сақлаб, унинг оригиналига тўлиқ жавоб берадиган таржима асари яратиш йўлида қандай муаммо ва босқичлардан ўтилган бўлса, улар ҳақида кейинги илмий ишларимизда батафсил сўз юритиш ниятидамиз.

# ИЗОҲЛАР

(Китоб ҳақидағи тұлық маълумот адабиётлар рўйхатида)

Изах	Китобнинг номи	Муаллиф	Бетлар
1	«Бобурнома» (таржима)	Бобур	15
2	«Бобур»	Хералд Лемб	20-21
3	«Тузуки Бобурий»	Бобур	10-11-12
4	«Бобур»	«Бобур»	42
5	«Бобур»	«Бобур»	56
6	«Бобур»	«Бобур»	66
7	«Бобур»	«Бобур»	122
8	«Бобур»	«Бобур»	50
9	«Бобур»	Хералд Лемб	29
10	«Тузуки Бобурий»	Бобур	76
11	«Бобур»	«Бобур»	139
12	«Бобур»	«Бобур»	135
13	«Бобур»	«Бобур»	117-118-119
14	«Бобур»	«Бобур»	120
15	«Бобур»	Хералд Лемб	166-167
16	«Тузуки Бобурий»	Бобур	147
17	«Бобур»	«Бобур»	171-172
18	«Бобур»	«Бобур»	168-172
19	«Бобур»	«Бобур»	167
20	«Бобур»	«Бобур»	154
21	«Бобур»	«Бобур»	135
22	«Бобур»	«Бобур»	258
23	«Хиндистанда ислом эстетикаси»	Шакил ур - Раҳмон	19
24	«Тузуки Бобурий»	Бобур	85-150
25	«Бобур»	«Бобур»	121
26	«Хиндистанда бобурийлар салтанати»	Илёс Ҳошимов	105
27	«Тузуки Бобурий»	Бобур	109-110
28	«Бобур»	Хералд Лемб	246
29	«Бобур»	Хуршид Мустафо Ризвий	87
30	Мақола (құләзма)	Ансориддин Ибраҳимов	2
31	Дөвони Бобур (сүз боши)	Денисон Росс	4
32	Мақола (құләзма)	Ансориддин Ибраҳимов	2
33	«Бобурнома» (сүз боши)	Воҳид Зоҳидов	
34	«Бобур шеъриятидан»	Сайдбек Ҳасанов	4-5

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР :**

1. «Бобур». Хералд Леб (Саййид Ҳошимий Фаридободий) Лоҳур, 2000 й.
2. «Бобур». Ҳуршид Мустафо Ризвий, Дехли, 2000 й.
3. «Бобурдан Зафаргача», Жамил Юсуф, Исломобод, (учинчи нашр) 1989 й.
4. «Бобурнома» (ўзбек тилида). Порсо Шамсиев, Содик Мирзазев, Тошкент, 1960 й.
5. «Бобур шеъриятидан». Сайдбек Ҳасанов, Тошкент, 1982 й.
6. «Туркистон тарихи». Али Муҳаммад Шоҳин, Карочи, 1991 й.
7. «Тузуки Бобурий». Лоҳур, Рашид Ахтар Надавий (иккинчи нашр). Лоҳор, 1966 й.
8. «Ҳиндистонда бобурийлар салтанати». Илёс Ҳошимов. Тошкент, 1996 й.
9. «Ҳиндистонда ислом эстетикаси». Шакил ўр-Рахмон, Дехли, 2002 й.
10. «Ўзбекистон ва Алишер Навоий». Қамар Райис. Чандигарх, 1994 й.
11. «Бобурнома». Э.Бевериж. Дехли, 1995 й.
12. «Бобур». Муҳиб ул-Ҳасан. Дехли, 1985 й.
13. «Бобур девони». Денисон Росс. Калкутта, 1910 й.

## МУНДАРИЖА

Қ.Кенжек. Қамар Райис ва унинг шайдолиги ҳақида.....	3
Муқаддима .....	7
Ҳаётининг илк даври.....	11
Синовларда тобланган ирода.....	16
Дин ва дарвишларга зътиқод.....	19
Романтик ҳаёллар оғушида.....	22
Ишрат уйин обод кил.....	27
Дунёвий ва инсоний ҳусн шайдоси.....	34
Бобур ва Гуру Нанак.....	41
Бобур ва Айодхъя масжиди .....	43
Ҳиндистон тилларига муҳаббат.....	45
Бобурнинг урду тилида битган шеъри .....	47
Бобур шеърияти.....	48
Энди икки оғиз сўз таржимамиз ҳақида .....	60
Изоҳлар.....	62
Фойдаланилган адабиётлар.....	63

---

*Адабий нашр*

*Қамар Райис*

## БОБУР ШАХСИЯТИ ВА ШЕЪРИЯТИ

2006 йил 26 декабрда босмахонага топширилди. 2007 йил  
5 февралда босишга рухсат этилди. Бичими: 84x108.1/<sub>32</sub>

Офсет босма. 2 босма табоқ. Адади 1000 нусха.

Буюртма № 166. Баҳоси шартнома асосида.

«ANDIJON NASHRIYOT-MATVAA» ОАЖ

босмахонасида босилди.

Андижон шаҳри, Навоий шоҳқӯчаси, 71.